

67.400.0/
Э.74 ✓



ОРОЛ ЭРНАЗАРОВ

ПАРЛАМЕНТ ВА
СУД -ҲУҚУҚ
ИСЛОҲОТЛАРИ


«Фан»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРОЛ ЭРНАЗАРОВ

ПАРЛАМЕНТ ВА СУД-ҲУҚУҚ
ИСЛОҲОТЛАРИ



Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2009

Ушбу монография Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиялари қарорларида "Парламент ва суд-ҳуқуқ ислохотлари"нинг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи "Референдум яқунлари ва давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунлари ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг суд-ҳуқуқ соҳасини тартибга солувчи қонунларини икки бошқа норматив ҳужжатларини ўрганишга мўлжалланган.

Монография олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, талаби ва магистрлари, суд - ҳуқуқ ва парламент масалалари билан шугулланувчилари ва ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
юридик фанлари доктори
Й. РАҲИМОВ

Такризчилар:
юридик фанлари номзодлари, доцентлар
М. ЖИЯНОВ, М. АКАЕВА

СЎЗБОШИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзи бўлгани суверен давлатимизнинг қонунчилик ҳуқуқий негизини ташкил этган, мустақил давлатимизнинг тамал тоши бўлган Конституциямизнинг қабул қилинганига ўн олти йилдан ошди. У фуқароларимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий эркинлигини таъминловчи қафолат сифатида яшамоқда ва амал қилмоқда.

Асосий Қонунимиз – ўз олдига асосий вазифалардан бири сифатида инсонпарвар, суверен, мустақил бўлган, ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини қуришни танлади. Ўз иқтисодий муносабатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон моделига ҳос ва мос бўлган миллий маданиятни ва анъаналарни, инъани қондаларини, урф-одат нормаларини эътироф этган ҳолда бу жараёнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий қафолатини яратиб беришга эътиборини қаратмоқда.

Қонушлар қонуни бўлган Қомусимиз инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этишни, фуқаролик жамиятини вужудга келтиришда, ўз эътиборини ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда унинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” эканлигини исботлаш¹ демократик тамойиллар тарзига айлантириш ва синдиришга қаратиб келмоқда. Бу вазифаларни амалга оширишлик барча соҳаларда туб ислохотларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Айниқса, 1997 йилнинг 29 августида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”², Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қомонидан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” тўғрисидаги дастурлар ҳамда давлатимиз Президенти

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. 174 бет.

² “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август; Ўзбекистоннинг янги Қонушлари. 17-сон. Тошкент: Адолат, 1997; Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Ўзбекистоннинг янги қонушлари. 18-сон. Тошкент: Адолат, 1997.

томонидан имлошидан “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги 2001 йил 4 январь Фармойиши¹, айниқса “Ёшлар йили Давлат дастури тўғрисида”ги Президент Қарори² ҳамда “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тadbирлар дастури тўғрисида”ги³ ва бошқа шу каби норматив ҳужжатлар халқимизнинг ҳуқуқий маънавияти ҳамда маданиятини ва онини ўстириш, янада юксалтириш, умуминсоний кадриятлар мазмун ва моҳиятини жамият онгига сингдиришга қаратилган.

Айниқса, ҳаётимиз ва тараккиётимизнинг ҳуқуқий манбаи бўлган Конституциямизнинг қабул қилинганлиги бу ислохотларни янада кучайтириб юборди. Конституциямиз давлатимизнинг Асосий Қомуси ҳамда барча инсон ва фуқароларимизга адолатли ифода этади. Конституция халқнинг руҳияти, иродасини ифодалайди. У ҳаёт кечиришнинг асосини таъминловчи ҳуқуқий ҳужжат ва манбадир. Қонунларнинг Қонуни. Ундан юкори бўлган Қонун йўқ. Фақат Ўзбекистон халқининг эрки, иродаси ва манфаати ундан юкоридир. Лекин Конституция ушбу манфаатларни ўзида тўлиқ ифодалайди.

Асосий Қонунимиз ўтган қисқа давр мабайнида янги демократик ўзбек давлатчилиги ҳамда адолатли фуқаролик жамияти қарор топиши, мазкур мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ҳуқуқий ислохотларнинг барқарор қонуний замини бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий қонунимизда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси суверен, демократик давлат сифатида халқ иродасини ифода этади, унинг манфаатларига хизмат қилади, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва дахлсиз ҳуқуқлари – олий кадрият эканлигини эътироф этади ва уни кафолатлайди.

Конституциямиз асосида миллий қонунчиликка асос солинди. Қабул қилинган ҳамда қилинажак қонунларнинг ва норматив

¹ “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги Фармойиши // Халқ сўзи. 2001 йил 5 январь.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ёшлар йили Давлат дастури тўғрисида” // Халқ сўзи. 2008 йил 1 март.

³ “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тadbирлар дастури тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 2008 йил 2 май.

хужжатларнинг қабул қилинишидан мақсад бевосита республикамиз аҳолиси қатламлари ўртасида ҳуқуқий маданиятни, ҳуқуқий онгни ҳамда ҳуқуқий тарбияни, ҳуқуқий тафаккурнинг мустақиллигини амалга оширишни ҳамда жаҳон мамлакатларининг парламентлари ўртасида энг фаол парламент ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Парламентини маърифийлашган, маънавийлашган энг замонавий Парламентга тенглаштириш, яъни уни икки палатали Парламент қилиб шакллантириш ҳамда суд-ҳуқуқ ислохотини ўтказиш, судни жазоловчи органдан барча шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш ҳамда унинг мустақиллигини тўлиқ асосда таъминлашдан иборат.

Республикамиз Конституциясига асосланиб 600 дан ортиқ қонунлар, ўн бешта катта-катта қонунлар тўплами - Кодексларни, айниқса “Судлар тўғрисида” (янги таҳрири), “Прокуратура тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунларни, “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрири), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунларнинг қабул қилиниши низоҳатда диққатга сазовордир. Айниқса, унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги ҳамда 2007 йил 11 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига биноан киритилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қўшимча ва ўзгартиришлар ҳамда тузатишлар” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (янги таҳрири) ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари жамият ҳаётининг сиёсий - ижтимоий тузумини бутунлай ўзгартириб, жаҳон парламентаризми билан тенглаштириб, демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлигимизни кучайтиришга, тараққий этишига олиб келмоқда. Бу қонунларнинг қабул қилиниши ўз

навбатида республикада истиқомат қилувчи барча шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтиришга имконият яратмоқда.

Сиёсий демократиянинг улкан ютуғи бўлмиш Конституцияда ҳокимият масалалари, яъни парламент фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказиш, замонавий инсонпарвар бўлган ҳуқуқий, демократик давлатни барпо этиш ва ривожлантириш муаммоларига муҳим эътибор қаратилмоқда. Жаҳон давлатларида ҳамда турли демократик тизимларда, хусусан Ўзбекистонни такомиллаштириш йўллари ва усулларини шакллантириш, унинг ҳокимияти тармоқлари фаолияти билан боғлиқ ишларни уйғунлаштириш борасидаги фаол изланишлар олиб борилмоқда.

Энг юқори даражада маърифийлашган ва маънавийлашган замонавий парламентаризмнинг муҳим масалаларидан бири – қонунчилик органи таркибидаги палаталар миқдорини аниқлаш, яъни икки палатали Олий Мажлисга, янги тизимга кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш масаласидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ўзгаришлар кун тартибига энг долзарб муаммоларни, яъни қонунчиликни такомиллаштириш ва либераллаштириш, Парламент ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш, инсон ва фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш уларни турмушга татбиқ этиш ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига тўла мослаштириб боришликни тақозо этмоқда.

Юқорида кўрсатилган вазифалардан келиб чиқиб, республика-миз сиёсий тизимининг Конституциявий асосларини ҳамда мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти ва уларни демократик асосда ислоҳ этиш ҳамда эркинлаштириш муаммолари, 17 йилдан кўпроқ бўлган мустақиллигимиз даврида эришилган ютуқлар, тажрибалар, реал воқелик замирида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Қонунлари, қарорлари, Президент фармонлари ва фармойишлари ҳамда сессияларда сўзланган нутқ ва маърузалардан, ижро этувчи органлар фаолиятидан келиб чиққан ҳолда ва ундан самарали фойдаланиш асосда Наманган Давлат университети олими ҳуқуқшунослик факультети фуқаролик ҳуқуқи ва процесси кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, профессор вазифасини бажарувчи О.Э. Эрназаров томонидан ушбу илмий изланиш яратилди.

Айниқса, бир палатали Парламентдан бутунлай янги бўлган икки палатали Парламентни ташкил этиш жараёни ҳамда мустақил

Ўзбекистоннинг ўтказётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари янгича илмий ёндашувни талаб этади. Бу масалага янгича илмий ёндошган ҳолда асарини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фундаментал асарлари ва нутқларидан муҳим манба ва методологик асос сифатида фойдаланилди. Ушбу китоб маърифийлашган ва маънавийлашган демократик жамиятнинг принципларини ўзида тараннум этаётган Парламентимиз ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларига бағишланиб, мамлакатимиз сиёсий тизимининг демократлашуви, қонунларимизни либераллаштириш масалаларини қамраб олган дастлабки асарлардан ҳисобланиб, айниқса Парламент ҳуқуқи ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ўрганишда кенг китобхонлар оммасига маъқул бўлади деган умиддамиз.

Наманган Давлат
университети ректори,
юримдик фанлар доктори
Й. Раҳимов

ПАРЛАМЕНТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

Парламент тарихи минглаб йиллар ёки кўп асрлар билан боғлиқ. Энг аввало, Парламент сўзи ўзи қасрдан пайдо бўлди, унинг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат ва қачондан бошлаб бу тушунча қўлланилган.

“Парламент” сўзи французча “parle” дан келиб чиқиб, у “сўзламоқ” ёки “гапирмоқ” деган маънони англатган. Лекин Парламент ўзининг тарихий кўринишларида, асосан, “фикр ифодалаш” сиёсати билан давлатнинг бошқарилишига ўз таъсирини ўтказиб келган.

Парламентни кўпинча Қонун чиқарувчи вакиллик органи ҳам деб тушунилади. Аммо бу маънони ҳар бир тарихий ривожланиш босқичи билан боғлаш лозим. Парламент жамият ва давлатнинг ривожланиши билан такомиллашиб борган. Парламент ўзида тарихий босқичлардаги тараққиёт ривожланиши анъаналарини, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ҳамда ҳарбий соҳалардаги ижтимоий кучлар муносабатини намоён этган. Дастлабки даврларда халқ йиғинлари шаклида оқсоқоллар кенгаши, аслзодалар мажлислари, машваратлар оркали умумдавлат, умумхалқ билан боғлиқ муаммолар ҳал қилинган. Дастлаб жаҳон салтанатига айланган қадимги Рим империяси Сенат тизимини ХХI аср муқаддам вужудга келтирди. Қадимги Халқ йиғинлари, Оқсоқоллар Кенгашлари ҳозирги замон Парламентининг ибтидоий шакли бўлиб ҳисобланган.

Ўзбеклар олами тарихида “Оқсоқол” ҳамма нарсани ҳал қилган, ҳатто тавсия қилиш ҳуқуқига эга бўлса ҳам. Лекин Рим давлати ҳуқуқи ва мусулмон ҳуқуқи ўртасида жуда катта фарқ бор. Албатта, ҳуқуқ соҳасида римликлар ўз рецептларини ўрнатганлар. Дарҳақиқат, шуни эътироф этиш лозимки, “Рим ҳуқуқи жаҳон тарихининг бир элементи ҳамда ҳуқуқий маданияти ёдгорлиги сифатида ўз ўрнига эга”¹. Лекин ушбу кадр-қимматлар, одат нормалари илк

¹ Эрназаров О. Рим ҳуқуқи. Дарслик. Наманган: «Наманган» нашриёти, 2004. 3-бет.

асрларда Ўрта Осиё халқларида ёки Шарқ халқларида мавжуд бўлган “Оқсоқоллар Кенгаши”дан, ташқари юқори Олий Мажлис ёки Қонунчилик органи бўлмаган.

Римликлар ва Сенат аъзоларининг фаолиятини ёритишдан олдин ўзбек оламининг қандай истиқбол, ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг такомиллашиши ва бу оламнинг Рим империясидан кучлилигини ҳам тасаввур қилишимиз лозим.

Рим империясига 21 аср, “Авесто”га эса 30 аср бўлди. Биз жаҳон халқлари доирасида энг олдин пайдо бўлган ва жаҳон цивилизациясини ривожлантирган инсонлармиз. Бизнинг тарихимизда Сенат бўлмаган бўлса ҳам “Ота-оналик институти”, қисқача айтганда “Оталик институти” муҳим роль ўйнаган. Оталар йигилганда Сенат масалалари ҳам ҳал қилинган. Бунга “Авесто” асари исботдир.

Демак, Сенат институти балки 30 аср муқаддам ҳам вужудга келган бўлиши мумкин, лекин расмий Рим империясидагидек ўзма равишда ўз тасдиғини топмаган.

Қадимги Туронда “Авесто”, қадимги Эллада ва Спарта давлатларида кўҳна Римдаги халқ йиғинлари, оқсоқоллар кенгашлари, Амир Темур салтанати машваратлари, Чингизхон яқинидаги сиёсий-ҳуқуқий ғоялар ҳозирги Парламент институтининг ўзига ўхшамасада, лекин уларнинг мазмун моҳияти, вазифалари жуда ўхшаб кетади. Албатта, Сенатнинг демократик сиёсий институт эканлиги ҳақидаги комил тушунча ҳали ҳам ўзгармасдан келмоқда.

Парламент тарихи (бу ерда биз Сенатни эътиборга олаёмиз – О.Э.) Қадимги Рим қулдорлик давлатидан бошланган. Қадимги Рим давлат тузимида Халқ мажлислари, Сенат ва Магистратурадан иборат бошқарувнинг олий органлари мавжуд бўлган. Ана шу тариқа қадимги давлатчилик тизимида илк бор бошқарувнинг Сенат институти расман юзага келди ҳамда Сенат атамаси расмийлик мақомини олди.

...Сенат (*senatus, gerousiva*) – Оқсоқоллар Мажлиси ёки Оқсоқоллар Кенгаши. Сенат атамасини Квинтилиан ўзининг “Ноғиққа маслаҳатлар” китобида айнан шундай изоҳлайди¹. “*Senatus*” сўзи Оқсоқоллар Кенгаши номи билан Рим Республикаси даврида қўлланилган. Қадимги Рим давлатининг бир-бирига қарама-қарши курашчилари патриций ва плебейлар ўртасидаги келишмовчилик

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Тошкент: Шарқ, 2005. 24-25-бетлар.

жуда кўп янги қонунлар ва норматив ҳужжатлар қабул қилинишини тақозо этган.

Баъзи олимлар Сенатнинг келиб чиқишини патрицийлар (патрицийлар – қадимги Римнинг туб аҳолиси) билан боғлайдилар. Чунки аксарият ҳолатларда патрицийлардан Оқсоқоллар Кенгаши сайланган ёки Сенатга айнан уларнинг вакиллари кирган. Ҳатто, Цицерон ўзининг “Давлат тўғрисида”ги асарида ҳам ушбу фикрни тасдиқлаган.

Милоддан аввалги 451-450 йиллар атрофида қабул қилинган биринчи Рим давлатининг ёзма қонунлари одат нормаларини ташкил этган ва ўша даврда Сенат Рим давлатининг сиёсий рамзига айланган.

Ўрта асрларга келиб Ғарбий Европада, яъни Буюк Британияда XIII асрдаёқ шаклланган икки палатали Парламент (қуйи палата – Жамоалар палатаси ва юқори палата – Лордлар палатаси) Парламентаризмнинг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшди. Ҳатто уни “парламентаризмнинг классик намунаси” деб ҳам атайдилар.

1689 йилга келиб Буюк Британияда “Ҳуқуқлар тўғрисида”ги билл қонун қабул қилиниб, унда илк бор қонун чиқарувчи олий ҳокимият мақоми ҳуқуқий расмийлаштирилган эди.

Бизнинг мавзуимиз Ўзбекистонда Парламент ва суд-ҳуқуқ ислохотларини ёритиш билан боғлиқ бўлаганлиги учун, Парламентнинг вужудга келиш асосларига юзаки ёндошилди. Чунки бу мавзу алоҳида илмий тадқиқотни талаб этади.

Ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистон Республикасида икки палатали Парламентнинг вужудга келиш асосларини ҳамда ушбу билан боғлиқ ҳуқуқий ислохотнинг мазмунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган “Референдум яқунлари ва давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни ташкил этади¹. Бу Конституциявий қонун асосида Ўзбекистон Парламентчилигида демократик асослар яратилди, демократик давлатларга хос парламентаризм шаклланди. Ўтган йиллар давомида Республика парламенти бир палатали парламент сифатида фаолият юритиб

¹ Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2002 йил, 4-5-сон. 60-модда.

катта тажриба тўплади.

Парламент фаолияти учун энг зарур бўлган омил - юқори малакали сиёсатшунослар, юристлар, иктисодчилар корпуси шаклланди.

Мана шу ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессияси муҳим аҳамият касб этди. Олий Мажлиснинг ушбу сессияси муҳокамасига киритилган муҳим масалалардан бири 2002 йилнинг 27 январида умумхалқ референдумининг натижалари тўғрисидаги масалаларнинг кўриб чиқилиши бўлди. Бу мамлакатимизда демократик ҳуқуқларнинг кенгайиши, жамият ҳаётининг эркинлашуви ҳамда инсонпарвар фуқаролик жамиятини қуриш, мамлакат сиёсий ҳаётида энг долзарб вазифалардан биридир. Сессияда мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов “Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди” мавзусидаги маърузасида референдум яқунлари ҳақида гапирар экан, миллий давлатчилигимизни ўзбек оламининг ўзига хослиги ва мослиги асосида такомиллаштиришга доир назарий хулосаларни исботлаш билан бирга, бу борада амалий йўл-йўриқларни ҳам кўрсатиб берди. Юртбошимиз референдумнинг мазмун - моҳиятини талқин қилар экан:

Аввало, бўлиб ўтган референдум нима учун, қандай мақсадда ўтказилди?

Иккинчидан, референдум нимани кўрсатди, одамларимизнинг қандай қарашларини намоён этди?

Учинчидан, “Референдум яқунлари ҳаётимизда қандай акс этади, қандай амалий натижаларга олиб келади”¹ каби жиҳатларга атроф-лича эътибор қаратди.

Бугун барчамиз мамлакатимиз кундалик ҳаётида демократик анъаналарнинг ҳар қачонгидан ҳам жонлироқ кечаётганлиги, жамият ва давлат ҳаётида фуқароларимиз амалий иштирокининг фаоллашиб, тобора кучайиб бораётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, бугунги авлод Ўзбекистонда мустақил, адолатли фуқаролик жамиятини, келажаги буюк бўлган давлатчиликни барпо этишнинг туб бурилиш даврида яшамокда.

2002 йилнинг 27 январь кuni ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг референдуми жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим

¹ Ислом Каримов. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди // Ислом Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ кўриш. 10-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 316-бет.

масалаларини ҳал қилишда халқнинг бевосита фаол иштирок этишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги замирида ҳам айни шу маъно бор. Бўлиб ўтган референдум халқимизнинг бугунда нафақат ички ҳаётига оид масалаларга, шу билан бирга жаҳондаги сиёсий - ижтимоий жараёнларга ҳам ўзининг нуқтаи назарини билдираётганлигини яққол кўрсатди ва ўтказилган референдумнинг жамиятимиз келажаги йўлида муҳим қадам, давлат ва жамият қурилишида халқ билан ҳамфикрлик тамойилига амал қилиниши деб баҳоланди.

Шу боис таъкидлаш жоизки, бўлиб ўтган референдум сиёсий - ижтимоий воқеа сифатида фуқароларимизнинг мамлакатимиз давлат мустақиллигига бўлган ишончининг, яъни халқ иродасининг олий ифодаси сифатида яққол ўз моҳиятини топди ҳамда фуқароларимизнинг мутлақ кўпчилиги давлат ҳокимиятини Олий органларнинг янги давр шароитларига, демократиянинг умумэътироф этган меъёрларига мувофиқ тарзда такомиллаштириш тарафдорлари эканликларини намоён қилди.

Референдум натижалари ва бу хусусда Олий Мажлис сессиясида билдирилган хулосалар том маънода мамлакатимизда ўзига хос демократик институтларнинг шаклланаётганлигини ҳамда халқимиз сиёсий онги, тафаккури ва ҳуқуқий маданияти, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги сезиларли суръатда ошиб бораётганлигининг яққол ифодасидир. Шу маънода бўлиб ўтган халқ билан маслаҳатлашув бир жиҳатдан муҳтарам Президентимиз белгилаб берган ислохотларнинг ўтказилиши босқичма-босқич характерда эканлигини ифодаласа, иккинчи томондан Президентимиз томонидан олға сурилган “Кучли давлатдан кучли жамият сари” ғояларининг қадам-бақадом ҳаётга тадбиқ қилинишининг муҳим кўриниши деб билмоғимиз лозим.

Маълумки, ҳар қандай сиёсий воқеликка мамлакат фуқароларининг кўпчилиги хайрхоҳлик билдирса, у аҳолининг ишонч ва орзумидларини акс эттирган бўлади, оқибатда жамиятнинг ҳаракатланувчи кучига, тараққиёт омилига айланади. Мамлакатимизда бўлиб ўтган референдум айни шу жиҳатлари билан муҳимдир.

Бинобарин, референдум халқ ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишга қодир эканлигини, рўй бераётган воқеаларга муносабатини очик, ошкора намоён эта олишини кўрсатди. Шу маънода ҳам бўлиб ўтган умумхалқ референдуми том маънода миллий давлатчилигимиз ҳамда қонунчилик тизимини ўзгаришига ўзининг ижобий таъсирини

кўрсата олди, дейиш мумкин.

Сессия кун тартибда биринчилардан бўлиб “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонун муҳокама қилиниб, қабул қилинди ва икки палатали парламент тузишга тайёргарликни бошлаб юборди. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги қарор лойиҳалари референдум натижаларини ифодалайдиган мантиқий хулосаларни қонунларимизга, ҳаётимизга сингдириш учун хизмат қилди. Бинобарин, давлат ҳокимияти органларининг ишини замон талабига мувофиқ равишда тубдан яхшиламай туриб ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш вазибаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамиятимиздаги демократик ислохотларнинг бугунги босқичида давлат ҳокимиятини ташкил этиш ҳамда қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда асосий тамойилларни белгилаб берадиган махсус қонун ишлаб чиқиш ва уни амалга тадбиқ этиш ҳаётий зарурат даражасида баҳоланди. Кутилганидек, Олий Мажлис сессияси ишида ушбу қонун референдум қарорларини келгусида амалга оширишга қаратилган туркум қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш учун ҳуқуқий йўналиш берди ва асос бўлди.

Айниқса, бу қонун мамлакатимиз мустақил асосда ривожланишининг дастлабки пайтида, яъни 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида” ги Қонун каби бир - бирига ўхшаш, иккиси ҳам ўзбек миллий давлат тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган Конституциявий характерга эга бўлган қонунлардир. У ҳажм жиҳатидан кичик бўлса - да, жами 10 та моддани ўз ичига олади ва у олам-олам мазмунга, ҳуқуқий асосларга эга. У Конституциямиз нормаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, Сайлов тўғрисидаги қонунларимизни, айниқса Олий Мажлис палаталари тўғрисидаги янги қонунларнинг вужудга келиши учун ҳамда қўпчилик қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг ўзгарилиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

“Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ги Қонун асосида ва 2002 йилнинг 27 январида ўтказилган умумхалқ сўрови натижалари асосида вужудга келган бу Конституциявий қонун референдум натижаларини юридик нуқтаи назардан мустаҳкамлади

ва давлат ҳамда жамият ҳаётида қонунларни такомиллаштириш, мослаштириш, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳамда янги қонунларни қабул қилиш учун асос ва манба бўлди. Чунончи, Конституциявий қонуннинг 2-моддасида таъкидланганидек, қонун устуворлигини, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатни ва буларнинг ҳар иккисининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга, сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча йўналишларини изчил эркинлаштиришга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини босқичма-босқич маҳаллий бошқарув органларига ўтказишга қаратилган йўналишларни белгилаб берилиши жамият ижтимоий ҳаётининг келажак истиқболини эркин ифодалайди.

Бунинг яна бир жиҳати шуки, давлат ҳокимиятининг Олий органи ҳисобланган Миллий Парламент ислохотларининг бугунги йўналишида демократик тамойилларининг изчил характерга эга бўлиб қолганлигини исботлаб берди. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда нодавлат, ноижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг, бошқа демократик институтларнинг янада мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши учун кафолат яратиш ҳамда шароит билан таъминлаб беришга эътиборни қаратишга даъват этилиши ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш ҳокимият ташкил этилишининг асосий принциплари бўлиб қолиши лозимлигини янада бир марта уқтирди.

Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи Олий органи икки палатадан иборат таркибда тузилиши, аввало, мамлакатда одилона қонунларнинг қабул қилиниши таъсирини оширди. Парламент томонидан қабул қилинган ҳужжатларда, айниқса, халқнинг хоҳиш-иродаси, эрки ва манфаати тўлароқ намоён бўлиши, қонунчилик фаолиятининг сезиларли даражада ривожланиши учун янада қулайроқ имкониятларни яратди. •

Республикамиз Президенти жаҳон Парламентаризми тажрибасидан келиб чиқиб, ҳамда жаҳон давлатларининг ижтимоий, сиёсий жараёнларини таҳлил қилиб, Ўзбекистоннинг икки палаталли Парламентга ўтиш ғоясини Республика Олий Мажлисининг II сессиясида илгари сурган эди.

Президентимиз Ислом Каримов икки палатали Парламент тугиш тўғрисида 2000 йил 23 январда Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг 11 сессиясида журналистлар билан учрашувда шундай деди: “Ўзбекистонда ҳам икки палатали Парламент ташкил қилини, уни шакллантириш вақти келганини, бўлгуси Парламент таркиби икки палатали бўлиши лозимлигини кенг жамоатчилик учун эълон қилди.

Халқимиз бу гоёни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан кутиб олди”¹.

Жаҳон давлатчилик тажрибаларидан шу нарса маълумки, Парламент, асосан демократия ва фикрлар хилма-хиллигига хизмат қилади. Айнан шу боис ҳам миллий давлатчилик институтлари тизими орасида Парламент тизимига ўтиш давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди, адолатли фуқаролик жамиятини куриш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлади.

Икки палатали тизим мавжуд бўлган давлатларда сайлаб қўйиладиган палатани, одатда, қуйи ёки биринчи палата деб атайдилар. Юқори ва қуйи палаталар миқдор таркиби, тузилиши, ваколатлари, мақомлари ва бошқа жиҳатларига кўра бир-бирдан фарқ қиладилар. Ўз навбатида сессияда қабул қилинган Конституциявий қонунда Ўзбекистоннинг бўлажак икки палатали Парламенти тузилишига таъриф берилиб, унинг қуйи палатаси – қонунчилик палатаси фақат доимий асосда ишловчи депутатлардан таркиб топиши, яъни умумий тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган 120 та профессионал депутатлардан иборат бўлиши таъкидланган. Бу палатада ҳар бир депутат “депутат” деган статусга эга бўлган шахс сифатида эътироф этилиб, тенг миқдордаги сайловчиларнинг вакили сифатида иш кўради. Мазкур палатанинг асосий ваколатлари қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишдан иборат бўлиши ҳамда назорат-таҳлил ишларини олиб бориши назарда тутилган. Профессинал парламент турли тоифаларда, сиёсий партия ва ҳаракатлар вакиллари иштирокида жамиятдаги мавжуд сиёсий - ижтимоий қарашларни ўзида акс эттиради.

Профессинал парламент учун, энг аввало, заковатли билимдон мутахассислардан иборат депутатлар корпуси шаклланиши лозим. Бу ерда қонунларни маҳкамавий манфаатларнинг умумдавлат манфаатларидан устувор бўлиб қолиш имкониятига барҳам берилади. Қонунчилик палатасига аъзо бўлиш учун асосий шартлар

¹ Халқ сўзи. 2000 йил. 24 январь.

сифатида сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳлари майдонга чиқади.

Бу палата асосан юристлардан, иктисодчилар, сиёсатшунослар ҳамда касб-кори, профессионал нуқтаи назардан етарлича тайёргарлиги бўлган шахслардан ташкил топиши лозим.

Иккинчи палата – бевосита сайловчиларнинг манфаатларини эмас, энг аввало, ҳудудларнинг манфаатларини ифода этади. Юқори палата таркибини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туманлардаги маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар орасидан сайланган депутатлар ташкил этади. Шу сабабли ҳам уни шакллантириш ва фаолият кўрсатиш тартиби ҳам, бирмунча бошқачароқ белгиланган. Қонуннинг 6-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати юқори палатаси аъзоларини (турмушда кўпинча депутат деб аталмаса ҳам, лекин депутатлик статусига эга) Сенаторлар деб аташади. Бу эса жаҳон давлатлари Парламентаризми анъаналарига, андозаларига мос бўлиб, жаҳон давлатлари ўртасида ва жаҳон халқлари томонидан тушунилиши осон бўлган тушунчадир. Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳрининг тенг вакилларига эга бўлиш, яъни уларнинг ҳар биридан 6 тадан Сенаторлар сайланиши белгиланган. Шу билан бирга бўлажак Сенатнинг 16 нафар аъзолигига, яъни фан, санъат, халқ хўжалигининг ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг барча тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва хизмат кўрсатган энг нуфузли фуқароларни мамлакат Президенти томонидан тайинланиши ҳам эътироф этилган. 16 та Сенаторнинг тайинланиши қонунларни қабул қилиш, палаталар ўртасидаги балансни сақлаш ҳамда назорат ўрнатишни адолатли асосда олиб боришни таъминлайди. Сенаторлар икки поғонали сайлов асосида, яъни халқ томонидан сайланган депутатлар орасидан яширин овоз бериш асосида сайланади. Шу маънода айтиш мумкинки, Парламентимиз тузилмасида кечаётган бугунги ислохотлар ҳеч шубҳасиз ҳокимият қонун чиқарувчи тизимининг мустаҳкамланиши ва кучайишига олиб келади. Жамият ҳуқуқий тизимида сифат ўзгаришларини рўёбга чиқаради.

Айниқса, бундай тартиб қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанатни, уйғунликни таъминлаш, бир-бирининг фаолиятини такрорламаслик, ўзларига берилган ваколатларни сўзсиз бажариш, ҳуқуқ ва бурчларни аниқ амалга ошириш имкониятини вужудга келтиради.

Сенат аъзолари жойлардаги ҳақиқий аҳволдан, вазиятдан яхши хабардор бўлган ҳолда, ўзларини сайлаган кенгашлар билан ушбу алоқада бўлиб, минтақаларининг, ҳудудларининг мафлаҳларини ҳимоя қиладиган халқ вакиллари сифатида фаолият кўрсатадилар.

Сенат қонунчилик палатаси билан биргаликда бевосита қонунларни яратиш иши билан шуғулланмаслиги лозим. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаб, муҳокама қилиб, уларни қабул қилгандан кейин, бу қонунлар Сенаторлар муҳокамасида ўтади. Сенаторлар қонунларни маъқуллаши ёки рад этиши мумкин. Иккала палата ўртасида вужудга келган низо ва келишмовчиликларни бартараф этиш махсус комиссия томонидан ҳал қилинади.

Инсонпарвар, адолатли демократик жамиятни, айниқса, ҳуқуқий давлатни барпо этишда, давлат ҳокимияти ижро этувчи органларининг баъзи бир ваколатлари ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтишини эътиборга олган ҳолда, Президент – ижро этувчи ҳокимият сифатида ўз ваколатларининг маълум қисмларини Республика Олий Мажлисининг Сенат палатасига Сенаторларга ўтказишни эътироф этмоқда.


Давлатимиз Президенти референдум моҳияти ҳамда икки палатали Парламент ҳақида тўхталиб, келажакда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ҳам аниқлаб берди:

1. Давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш, давлат ва жамият қурилишида демократик андоза ва тамойилларга чуқурроқ асосланиш, сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва тафаккурини, сиёсий фаоллигини янада юқорига кўтаришимизда, айниқса, ҳаётимизда қонунлар устуворлигини таъминлаганимизда мамлакатимизда адолатли, инсонпарвар ҳуқуқий давлатни қуришга эриша олишлигимизни.

2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, уларни тўлиқ асосда қафолатлаш, ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш, сўз ва матбуот эркинлигини ҳамда виждон эркинлиги ва улар билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг давлат томонидан қафолатланишига эришишлик.

3. Қабул қилинган қонунларимизни, яъни ҳуқуқий нормаларни ҳаётга тадбиқ қилишни таъминлаш, уларга танқидий асосда ёндошиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳимояни такомиллаштириш, одил судлов органларининг маъмулиятларини янада кучайтириш.

4. Иқтисодий эркинлаштириш, мулкнинг давлат қўлидан



чиқариш кичик ва ўрта бизнесни, ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш.

5. “Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш”, яъни марказий ва юқори бошқарув органларининг ваколатларини ўзини-ўзи бошқариш тизимларига, яъни маҳалла тузулмасига ўтказиш.

6. Нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари, аввало, фуқаролик институтларини ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб бериш, мильмурий органлар устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш, қонунбузарликка қарши кураш каби масалаларни ҳал қилиш вазифаларни олдимизда турибди,¹ деб яна бир марта таъкидлади.

Мана шу вазифаларни ҳал қилиш учун, яъни ҳуқуқий асос ва шароит яратиб беришни эътиборга олиб, “Нодавлат нотижорат жамоат тузулмалари ва уюшмалари”ни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолият кўрсатиш кафолатлари ва шароитлари тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқариш пайти келганлигини ҳам уктириб ўтди, яъни бу қонун асосида молиявий жамғармалар ҳамда шу ташкилотларни қўллаб-қувватлайдиган иқтисодий-ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни яратиш лозимлигига яна бир эътиборини қаратди.

Ўзбекистон Республикасининг Парламенти “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунини қабул қилар экан, унда референдум натижалари билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ваколат муддатини 5 йилдан 7 йилгача ўзгартириш (чўзиш) масаласи ҳам ҳал этилди. Ўзбекистон Республикасининг юқорида кўрсатилган Қонунининг 8-моддасига биноан, “Умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 7 йил”², деб белгиланди.

Ушбу Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши билан уни ҳаётга тадбиқ этиш механизми бошланди, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори асосида “Давлат ҳокимияти

¹ Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2002 йил, 4-5-сон. 60-модда.

² Ўша жойда.

вакиллик органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови муддатлари” белгиланди.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдумининг қарорлари ва 2002 йилнинг 4 апрелида қабул қилинган “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциянинг Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ навбатдаги сайлов ўтказилишининг куйидаги муддатлари белгиланди:

1. Давлат ҳокимияти вакиллик органларига 2004 йил декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови – 2007 йил декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида ўтказиладиган бўлди. Булардан ташқари Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритилди. Олий Мажлисимизнинг Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида “Марказий Осие ҳамкорлиги” ташкилотини таъсис этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси фуқаролик ва жиноий ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни ратификация қилди.

Конституциямизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият қуришдаги аҳамият ва моҳияти ҳамда Конституциямиз асосида қабул қилинган ва қилинаётган қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш лозимлигини ҳеч қачон унутмаслигимизни ва доимо ёдда тутишимизни яна бир марта таъкидлади. Республикамиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида, энг аввало, “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият”¹ деб, энг аввало инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни олдинги ўринга қўйиш, қонунларнинг ҳаётимизда жорий бўлганини ва ўз аксини топганлигини кўриш, одамларнинг мамнуниятини сезиш ва эътироф этиш, халқимизнинг давлат сиёсатидан розилигини билдиришини яна бир бор таъкидлади.

Барча қабул қилинаётган қонунларимизнинг мазмуни, маъноси ва матни чиройли бўлиб туюлишига эришиш эмас, балки унн турмушга тадбиқ этиш механизмига кўпроқ эътибор беришимизга, яна бир бор Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъмин

¹ Халқ сўзи. 2005 йил 8 декабрь.

лашга эътибор қаратди.

“Ислохотлар жараёнида республикада янги, демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди... Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди”¹. Бу жараёнларнинг давом этиши даврида 2002 йил 29 - 30 август кунлари Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси бўлиб ўтди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистонда Демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” мавзусида маъруза қилди.

Президентимизнинг Олий Мажлис IX сессиясидаги маърузасида мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш, эркинлаштириш жараёнида эришилган ютуқлар чуқур таҳлил этилиб, мустақиллик йиллари давомида мамлакатимизда янги демократик жамиятни барпо этиш борасида муайян натижалар ва ютуқлар қўлга киритилганлиги таъкидланди².

Иқтисодий - ижтимоий ислохотларимизнинг асоси бўлган, дунёда ўзбек модели деб ном олган бозор муносабатларига ўтишнинг беш асосий тамойили ишлаб чиқилди:

Ислохотларнинг ўзбек модели бундан олдин яратилган ва мавжуд бўлган моделларнинг бирортасини такрорламаган ҳолда, ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бутунлай янги тараққиёт моделидир. У, асосан, бозор иқтисодиёти ва демократия тамойилларига асосланиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳақиқий ҳолатига таяниб, халқимизнинг менталитети ва тарихий анъаналарига суянган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширишни мақсад қилиб қўйди.

Ислохотлар ва иқтисодий тараққиётнинг бош мезони ислохот – ислохот учун эмас, балки ислохот – инсон учун, мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва турмуш даражасини кўтаришга қаратилганлигидадир.

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 109-110-бетлар.

² Каримов И.А. Ўзбекистонда Демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари: Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузаси. 2002 йил 29 август.

Одамларимиз учун муқаддас бўлган маънавий ва диний кадриятларимизни тиклаш, кўп асрли олижаноб урф-одатларимиз ва анъаналаримизга таяниб иш кўриш, уларни хурматлаш, асриб-авайлаш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилди, тегишли қонун ва фармойишлар қабул қилинди.

Миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва унинг асосий тамойилларини кишилар онгига сингдириш бўйича аниқ сиёсат олиб борилди.

Давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган бир нечта стратегик дастурлар қабул қилинди. Айниқса, суд-ҳуқуқ ислохотини ўтказишга катта эътибор қаратилиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг бу муҳим соҳаларида бир қатор янги қонунлар қабул қилинди ва кўпгина қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилди, Жиноят, Жиноят процессуал, Маъмурий жавобгарлик ва бошқа кодекслар кўриб чиқилди.

Ҳокимиятнинг учала тармоғида мустақилликни таъминлаш бўйича катта салмоқли ишлар қилинди, жумладан Олий Мажлисни икки палатали қилиб таркиб топтириш бўйича ёки ижроия ҳокимиятнинг янги тизимини яратиш, хусусан маҳаллий ҳокимиятни, ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, айниқса, ҳокимиятнинг учинчи тармоғи бўлмиш суд тизимини мустаҳкамлаш, судларнинг мустақиллигини, уларнинг фақатгина қонунларга бўйсунганини кучайтириш борасида моҳият - эътиборга кўра мутлақо янги қадамлар қўйилди.

Ташқи сиёсат соҳасида катта ютуқларга эришилди. Халқаро майдонда Ўзбекистон ўз нуфуз сиёсати орқали юксак эътироф ва обрў - эътибор қозониб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Халқаро терроризмга қарши курашда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилиб, муайян натижалар қўлга киритилди.

Шулар билан бир қаторда, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлида бугунги кундаги муҳим вазифаларни кўрсатиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида содир этилаётган ислохотларни қатъийлик билан давом эттириш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширилган ижобий ишларимизни ривожлантириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказиш заруриятини таъкидлаб, шу мақсадларни ўзида мужассам этган дастурлар Ўзбекистон Республикасининг жикон

ҳамжамиятида тутган ўрни ва юксак нуфуз сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, келажак тараққиётимизнинг янги босқичидаги қатор устувор йўналишларни ҳам белгилаб берди.

Биринчи, энг асосий, энг муҳим устувор йўналиш бу – мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, химоя қилиш ва мустаҳкамлашдан иборат;

Иккинчи устувор йўналиш, бу – мамлакатимизда хавфсизликни ва барқарорликни, давлатимиз ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш;

Учинчи устувор йўналиш, бу – бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш;

Тўртинчидан, жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги энг муҳим устувор йўналиш бу – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш;

Бешинчи устувор йўналиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ноижорат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш ёки бошқача қилиб айтганда, бу – “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш;

Олтинчи устувор йўналиш, бу – суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш бўйича бонланган ишларни изчил давом эттириш;

Еттинчи устувор вазифа бу – барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезони масаласини ҳал этиб бориш – комил инсонни яратиш. Бунда демократик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат асосида химоя қилишни олиб бориш талаб этилади.

Президентимиз маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар, албатта, босқичма-босқич амалга оширилиб бориладиган, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ишлар, яъни мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришни муайян даражада амалга ошириш йўллари ва истикболларидир.

– Биринчи, “биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад тенгсиз олий неъмат – мустақилликни бундан буён ҳам исриб авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверадим”¹, деб таъкидлади И.А.Каримов ўз маърузасида. Мустақиллик, эркинликка не-не аждодларимиз интилиб, курашиб ета олмаган. Бу бебиҳо неъматдан бахраманд бўлиш бахтига биз, Ўзбекистонда яшашган бугунги авлодлар муяссар бўлганимиз ва, албатта, бундай бахтни осонлик билан эришганимиз йўқ.

Қанча-қанча буюк аждодларимиз истиклол йўлида қурбон бўлишди. Сон-саноксиз ватандошларимиз ўз она юртларини тарк этиб, фироқда яшашга мажбур бўлишди. Минглаб инсонлар халқ душманига чиқарилиб, кўплаб оилалар бадном қилинди. Совет тузумининг ана шундай зўравонликларига қарамай, Ўзбекистон халқи унинг буюк аждодлари ҳар доим ўз мустақиллиги йўлида курашиб яшади.

Аждодларимиз орасида бирор йирик сиймо йўқки, юрти учун, унинг мустақиллиги, озодлиги учун курашмаган, кайғурмаган, юрт ташвиши билан нафас олмаган бўлсин. Улар фидойи, ватанпарвар, фикри тиниқ, мулоҳазали одамлар бўлганки, биз улардан ҳар доим фахрланиб яшаймиз.

Жалолиддин Мангуберди юртининг асоратга тушаётганидан кайғуриб, жангга отланди. Шарқ томондан туғилажак хавфни олдини олиш мақсадида, етмиш ёшга борганига қарамай, Соҳибқирон Амир Темур қаҳратон қишда олис сафарга отланди. Алишер Навоий юрти учун ғам чекиб, агар мамлакат пароканда бўлса, эл тинчлиги йўқолиб, азобда қолишини ўйлаб, қариган чоғларида ҳам подшоҳ Ҳусайн Бойқаро билан шахзодалар ўртасидаги низоларни бартараф қилиш йўлида вилоятма - вилоят кезди, Абдулла Авлоний Туркистоннинг келажагига қайғуриб, нажот – маърифатда, деган шиор билан майдонга чиқди, ёшлар илмли бўлсалар, юртни мустақилликка, озодликка олиб чиқади, деб, “Туркий гулистон” ни яратди.

Абдулҳамид Чўлпон юртни большевойлар оёғи остида тонглаётганини кўриб, фарёд солиб, азиз жонини қилич тигига қўйиб, халқни уйғотишга даъват қилиб, “Бузилган ўлкага” шёърини битди.

Олим, адиб, арбоб Фитрат ҳам юрти, унинг мустақиллиги учун

¹ Ислом Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тариккати ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2001 19-бет.

кайгурди, жонини фидо қилди.

Ниҳоят, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон давлати ўз тақдирини ўзи белгилаш, унга эгаллик қилиш ҳуқуқини, ўз келажагини, ўз кучи билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ҳа, бугун Ўзбекистон мустақил, озод ва обод истиқлолга тинч йўл билан эришгани – Ўзбекистон халқининг катта тарихий ютуғи бўлди. Лекин бу мустақиллик, бу бахт, бу азиз неъмат осонликча қўлга киритилмади. Бу бахт жуда қўп қийинчиликлар, машаққатлар, халқимизнинг чидами, бардоши эвазига, айниқса ўша халқимизнинг оғир кунларида мамлакат раҳбари, доно сиёсатчи Ислом Каримовнинг Ватан қайғуси, юртнинг озодлиги учун тиним билмай қилган саъй-ҳаракатлари эвазига бунёд этилди.

Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик. Бой тарихимизга ҳолисона эгаллик қила бошладик. Қадриятларимиз тикланди, ҳамда юксалмоқда. Шу боис юртимизда эришилган ҳар бир ютуқдан қувонишимиз, шундай тарихий халқ фарзанди бўлганимиздан фахрланишимиз асослидир.

Лекин 1999 йилнинг 19 феврилида Ўзбекистон пойтахтида, 2005 йил май ойида Андижонда юз берган машъум вақеалар бизнинг бугунги эришган ютуқларимизни, озодлигимизни, бахтли ҳаётимизни кўра олмайдиган кимсалар борлигини кўрсатиб, огоҳ бўлишга ундади. Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги, эркинлиги анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги маърузаларида юртимиз демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан дастлабки, тенгсиз олий неъмат – мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш вазифаларини белгилаб берди.

Мустақилликни асраб-авайлаш, уни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш вазифаси ҳар бир ватандошимиздан бу йўлда бор куч ва имкониятларини сафарбар этишни, ўз шахсий манфаатларини Ватан

манфаатлари билан уйғун ҳолда қуришни талаб этади. Бунинг учун эса фуқаролар эркинлик, мустақиллик тушунчаларининг маъмул моҳиятини англаб олишлари, қарамлик, журъатсизлик каби собиқ тузум иллатларидан халос бўлишлари лозим. Чунки мустақиллик, эркинлик нима эканлигини билмаган инсон, ҳеч қачон уларнинг қадрига етмайди. Аксинча, эркинлик ҳавосидан бир бора нафис олган киши, ҳеч қачон қарамлик ботқоғини йўқламайди.

Шу маънода мустақиллик, Ўзбекистон фуқароларининг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш жуда катта аҳамиятга эга. Яъни эркин, журъатсизлик ва мутеълиқдан ҳоли, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган атрофдаги воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўла оладиган, ўз шахсий манфаатларини Ватан ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган фуқароларга эга бўлишимиз лозим. Давлатнинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳам, Президентимизнинг таъбири билан айтганда, “тенгсиз олий неъмат – мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади”¹. Демак, ҳар бир шахс доим мустақиллик учун курашиб яшаши лозим.

Юрт тинчлиги ва унинг барқарорлиги – бебаҳо неъмат, инсоният ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало тинчлик-тотувликка интилиб келган.

“Иккинчи устувор йўналиш, – деб таъкидлади И.А. Каримов, – бу – мамлакатимизда ҳафсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат”².

Ўзбек халқи азалдан тинчликни юксак қадрлайди, унинг орзу-интилишлари қафолатини таъминлаш лозим. Бироқ шуни афсус билан таъкидлаш жоизки, халқнинг бундай интилишларини, мақсад-муддаоларини қоралайдиган, қулай имконият туғилиши билан уни барбод этишга тайёр бўлган ва шу орқали ўз ғаразли мақсадларини, манфаатларини амалга оширишни кўзловчи кучлар ҳам йўқ эмас. Улар ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай жирканчликдан тоймайдилар (уруш чиқариш, низо – адоватни ёйиш, қирғин солиш ва ҳоказолар).

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янги чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Ислом Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тариккиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2002, 19-бет.

² Уша асар. 20-бет.

Инсоният тарихига назар ташласак, одамзод ўз бошидан ўн беш мингдан зиёд катта-кичик урушларни кечирганлигини кўрамиз. Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида бўлаётган урушлар, қўпоровчилик, террорчилик акллари ва бошқа хунрезликлар, ён қўшнимиз бўлмиш Афғонистондаги қарийб йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этган можароларнинг аянчли оқибатлари уруш ва тинчлик, хавфсизликни таъминлаш масалалари ханузгача башарият олдидаги оламшумул муаммо бўлиб қолаётганлигидан далолатдир. Ваҳоланки, инсоният фақат тинчлик ва осойишталик, барқарорлик бўлган тақдирдагина ўз мақсадига эришади, моддий ва маънавий юксакликка кўтарилади.

Юқорида кайд этилганидек, шу мақсадларда Олий Мажлиснинг Иккинчи чақирик тўққизинчи сессиясида Президент Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг иккинчи устувор йўналиши сифатида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Чунки, мамлакатда хавфсизлик ва барқарорлик, давлатнинг худудий яхлитлиги, чегараларнинг дахлсизлиги, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш доим ривожланиш ва таракқиётнинг асосий шарти бўлиб келган. Шу боис ислохотларнинг янги босқичида барқарор ривожланишимизга таҳдид солиб турган диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига халқаро террорчилик ва наркобизнесга, қурол-яроғларнинг ғайриқонуний айланишига қарши бор куч-қудратимиз ва имкониятимиз билан курашишимиз ўта долзарб аҳамиятга эга.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда ҳукм сураётган мамлакатлараро ва динлараро тотувлик, фуқароларнинг ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, ягона маконимиз бўлмиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча инсонларнинг ирки, миллати, дини, эътиқоди, тили ва бошқа фарқларидан қатъи назар, уларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш бу борадаги ишларимизнинг маъно-мазмунига айланиши даркорлиги, Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланди.

Айни пайтда мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган ташқи хавфлар билан бир қаторда, маҳаллийчилик, миллатчилик ва коррупция каби ички хавф-хатарларга қарши ҳам муросасиз кураш олиб бориш зарурияти долзарб мавзу бўлиб қолмоқда.

Президентимиз мустақилликнинг илк кунлариданок, ўзининг

хар бир чиқишида, маъруза, нутқларида, асарларида хавфсизликни таъминлаш масалаларига эътибор қаратиб келмоқда. Президентини мизнинг бу борадаги илғор ғоялари нафақат минтақада, балки бутун дунёда хавфсизликни таъминлаш, унинг умумийлиги тўғрисидаги саъй-ҳаракатлари юксак қадрланмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ватан хавфсизлигини мустақкамлаш, худудий бутунликни сақлаш давлатимизнинг диққат-эътиборидадир. 1996 йил 24 апрелда “Миллий хавфсизлик тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Парламенти 1992 йил 14 январда ўз қарори билан Ўзбекистон худудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва қўшинларни ўз тасарруфига олди ва Ўзбекистоннинг ўз қуроли кучлари таъсис этилди.

Халқаро терроризмга, диний ва сиёсий экстремизмга қарши курашни ташкил этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан ўтказилаётган нуфузли йиғилишларда Ўзбекистон фаол қатнашиб, ўзининг самарали таклифларини илгари сурмоқда.

Ўзбекистон – халқаро терроризмга, сиёсий ва диний экстремизмга, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва барча давлатларга таҳдид соладиган хавф-хатарни олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни тузишнинг асосчиси сифатида фаол иштирок этиб келмоқда. Айниқса, Россия билан тузилган Иттифок шартномаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тузилиши ҳамда бу ташкилот барча аъзо давлатлар қаторида Ўзбекистоннинг ҳам хавфсизлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

“Ҳозирги кунда Ўзбекистон БМТ, Ислом Конференцияси ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ҳамда 8 та давлатлар билан биргаликда тузилган коллектив хавфсизлик соҳасидаги (ОДКБ) ташкилот, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва қатор ихтисослашган халқаро тузилмалар ишида фаол иштирок этиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд барпо этиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ, шунингдек, халқаро ҳамжамият олдида турган бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда”¹.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тарихиёт. 1991-1997 йиллар. Тошкент: “Ўзбекистон” 2007. 24-бет.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзини-ўзи галла билан таъминла-моқда. Юртимиз газ ва нефть импортёридан, унинг экспортёрига айланди. Мустақиллик шарофати билан бунёд этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртон - газ кимё мажмуаси каби гигант корхоналар газ ва нефть саноати ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Асосий бойлигимиз бўлмиш пахтаги қайта ишлашга мўлжалланган қатор йирик корхоналар қурилиб ишга туширилди (Эльтекс, Тўйтепа, Фарғона - Қобул каби корхоналар), Ўзбекистон дунёда мавжуд 28 та автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторига қўшилди. Самолётсозлик саноати В.Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида ривожланиб бормоқда. Биз бу йўлда кўпгина ютуқларга эришдик. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо барчамизга аён бўлиши керакки, биз эришган натижа ва марралар олдимизга қўйилган буюк мақсадларга етишиш йўлида маълум бир бўғин босқични ташкил қилади, холос.

Шу боис Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш йўлидаги энг муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустақкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш вазифаларини қўйилиши бежиз эмас.

Олдимизда турган энг муҳим ишларимиз қаторида халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтириш вазифаси ҳам белгиланган. Маълумки, мустақиллик йилларида халқаро молиявий ташкилотлар - халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банки (ЖБ), Европа тараққиёт ва тикланиш банки (ЕТТБ), Осиё ривожланиш банки (ОРБ) ва бошқалар билан бевосита, тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бозор муносабатларини шакллантириш ва уларни тизимини риожлантиришда ва такомиллаштиришда бундай халқаро молиявий ташкилотларнинг ўрни анчагина салмоқли эканлигини, албатта, ҳолисона тан олишимиз керак. Республикамизда амалги оширилаётган иқтисодий ислохотларни ҳар томонлама, шу жумладан, молиявий қўллаб-қувватланилаётгани, бюджет тақчиллигини камайтириш чоралари кўрилаётгани, фақатгина миллий эмас, балки халқаро аҳамиятга ҳам эга бўлган йирик лойиҳаларни молиялантиришда ҳамкорлик сифатида иштирок этилаётганлиги, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган бир неча юзлаб миллион АҚШ доллари

ҳажмида халқаро грантларнинг ажратилаётгани, иқтисодий тирмоқлар ўртасида мавжуд бўлган диспропорциялар (номуганосибликлар)ни олдини олишга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилганлиги ва ҳоказолар ана шулар жумласидандир,

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда муҳим омил сифатида қаралаётган халқаро молиявий ташкилотлар ихтиёридаги молиявий ресурсларни ўз вақтида ўзлаштириб олишга эришиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун ҳар биримиз, энг камида, ўз иш жойимизда Ватанимиз салоҳиятини, унинг нимага қодир эканлигини кўрсата олишимиз, ҳисоб-китобларимизнинг кам-кўстсиз бўлишини таъминлай олишимиз, масъулиятимизни оширишимиз, лоқайдлик, бепарқлик ўзи бўларчилик ҳолларига йўл қўймаслигимиз лозим.

Бизнинг фикримизча, учинчи устувор йўналишда акс эттирилган ва иқтисодий соҳага тегишли ҳар бир вазифанинг мазмун-моҳиятини тўғри идрок этсак, уларга хос мавжуд имкониятларимизни кўра олсак шунга мос равишда ҳаракат қилсак, ҳар биримизнинг орзуимиз бўлган буюк давлатни куриш йўлида бугун мустаҳкам иқтисодий пойдевор яратишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг асосий ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири – Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир”¹.

Биз янгилашиш ва ўзгаришлар хусусида сўз юритар эканмиз, бу борадаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳиятини, конституциямизда белгиланган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги тамойили ташкил этишини бир зум ҳам ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим. Зеро, Ўзбекистон халқининг пировард мақсади ҳар бир инсон учун, унинг

¹ Ислоҳ Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни яшиш чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Ислоҳ Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тарикқат ва маърифат дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 11-бет

эркин ва ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши, бахт-саодатга эришиши учун барча зарур шароит ва имкониятни шакллантиришдан иборатдир. Табиийки, юқорида қайд этиб ўтилган мақсадларга ўз-ўзидан машаққатларсиз етишиб бўлмайди. Айни пайтда, бу масалаларни ҳал этмасдан, фуқароларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини, фаоллигини оширмасдан, матбуот эркинлиги, ошкораликни амалда таъминламай туриб, иктисодий, сиёсий соҳалардаги ислохотлар борасида олға силжиш жуда мураккаб ҳисобланади.

Шу маънода истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Президентимиз бошчилигида, инсон ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасида таъминлаш учун каттагина ишлар амалга оширилди. Мустақил Ўзбекистон томонидан (имзоланган) ратификация қилинган дастлабки халқаро ҳужжат “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси” (1948 й.), “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда шу масала билан боғлиқ қарорларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон халқининг миллий менталитетини, азалий кадриятларга асосланиб, мутлақо янги, тараққийпарвар ҳуқуқий тизим бунёд этиш ва уларни халқаро ҳуқуқий нормалар билан мослаштиришга катта эътибор қаратилмоқда¹.

Инсон ҳуқуқлари, сўз ва матбуот эркинлиги, ошкоралик гарови сифатида Конституциямиз қабул қилинди ва амалга жорий этилди, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган марказлар тузилди, жумладан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва ҳоказо². Ўзбекистон ҳозирги кунга келиб, инсон ҳуқуқлари бўйича мавжуд асосий 70 та халқаро стандартларнинг 60 тасига қўшилди.

БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олти асосий халқаро шартнома катнашчисига айланди.

Бирок Президент И.А.Каримов таъбири билан айтганда, бу йўналишда кўпгина ишлар қилинмоқда, лекин уларни ҳали

¹ Халқ сўзи. 2008 йил 2 май.

² Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясида 2004 йил 27 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири қабул қилинди // Халқ сўзи. 2004 йил 28 август.

олдимизда турган, қилиниши лозим бўлган ишлар билан муракко солиштириб бўлмайди. Биз буни яхши тушуниб олишимиз ширурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ошиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида оммавий ахборот воситалари, нодавлат, ноижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлари ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан чиқариб, ўз фаолиятини жонлантиришга, тараққий тошган демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”, кўлпартиявийлик, демократик парламентчилик тизими ва жамиятимиз сиёсий майдонида ижобий рақобат муҳити яратилишига олиб келмоқда. Яъни юқорида қайд этилган ҳодисалар бир - бирини такозо этади. Аҳолининг сиёсий - ҳуқуқий фаоллиги қанчалик юксак бўлса, оммавий ахборот воситалари, нодавлат, ноижорат ташкилотлари, сиёсий партия ва ҳаракатлар фаолияти шунчалик жонланади. Бу жамоатчилик институтларининг тараққий этиб бориши ўз ўрнида фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий маданияти, фаоллигининг ўсишига хизмат қилади.

Шундай экан, барча Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини ошириш учун ҳар биримиз ҳаракат қилишимиз, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз, яъни Қонунга асосан яшашни ўрганишимиз зарур. Ушбу устувор йўналиш хусусидаги фикрларимизни Ислоҳ Каримовнинг куйидаги фикрлари билан яқунлаш лозим: “Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуг ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади”¹.

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг бешинчи устувор йўналиши ҳақида тўхталиб, адолатли ва эркин, фаровон фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти ва жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришдан иборат, яъни фуқаролик жамиятини шакллантириш – “Кучли давлатдан – кучли жамият сари”,² деган тамойилни ҳаётли

¹ Каримов И.А. Юксак ҳуқуқий тафаккур – демократик жамият тақдирини
// Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Тошкент
Ўзбекистон, 1998. 29-бет.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Тошкент

жорий этиш демакдир.

Давлатнинг демократик моҳияти ва фуқаролик жамиятининг етуклик даражаси фуқароларнинг сиёсий мақоми ҳамда жамоат ташкилотларининг таъсир кучи билан ҳам белгиланади.

Бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида ва Президент маърузасида ҳам айнан шу масала жамиятда демократик тамойилларни шакллантириш муаммоларига қаратилди ва демократлаштириш, эркинлаштириш жараёнларида эришилган ютуқлар ва келгусида бу борада қилинадиган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Дарҳақиқат, ўтган ўн етти йил давомида юртимиз иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан, жамият демократик тамойилларини шакллантириш борасида юксак босқичга кўтарилди. Ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр, янги босқич бошланди.

Президентимиз ўз маърузасида ана шу янги босқичда нималарга алоҳида эътибор бериш, айниқса – “Кучли давлатдан–кучли жамият сари” деган сиёсий қурилиш дастурини амалга тўла тадбиқ этиш ва айнан шундай ёндашув билан фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда фаол иштирок этиш учун имконият яратишда қайси масалаларни биринчи галда ҳал этиш зарурлигини аниқ ва равшан белгилаб берди.

Президентимиз “Адолатни қонун устуворлигида” деб таъкидлар экан, худди шу умуминсоний демократик тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарурлигини алоҳида уқтирди.

Ўз навбатида, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни ҳам қонун асосида, қонун устуворлигида ва унинг ҳуқуқий негизида кечмоғи даркор.

Бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида, жамоат бирлашмалари, қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ноғижорат ташкилотлари, виждон эркинлиги, сайловлар тўғрисидаги қонунлар, фуқаролик ва солиқ кодексларининг ҳаракатда бўлиши ва кундан-кунга такомиллаштирилиши, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муайян ҳуқуқий асослари яратилганидан далолат бериб турибди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис сессиясида “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунга зарур ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, “Ижтимоий жамғармалар тўғрисида”, “Нодавлат, ноғи-

жорат ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида”, “Хайрия филолияти тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш ташаббусини кўрсатиш, Табиатан таклиф этилаётган бу янги қонун ҳужжатлари фуқаролик институти ва ўзини-ўзи бошқариш органлари учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосларини янада мукаммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Худди шу сабабли бу борада зарур бўлган янги қонунларни қабул қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Фуқароларимиз дунёқараши, тафаккури тубдан ўзгарди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди. Инсон демократия неъматларини истеъмолчисини бўлиш билангина чекланиб қолмай, балки ана шуларни яратувчи фаол шахс бўлиши ҳам керак.

Барчанинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши эса, ўз навбатида жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш ва такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтлари сирасига нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, маҳалла, оила, шахс каби кўплаб субъектларнинг киришини таъкидлаш лозим.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда беш мингдан ортиқ нодавлат, нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Янги босқичда ана шундай ташкилотлар сафини кенгайтириш баробарида, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини кескин кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Юртбошимиз ўз маърузасида, фуқаролик жамиятини шакллантиришда, айниқса давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи навбатда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш ҳамда қонунлар ижроси бўйича давлат ҳокимият органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларини алоҳида устувор йўналиш сифатида кўрсатиб берди.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аввало, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиб боришини кўзда тутди.

Сессияда айтилганидек, бундай вазиятда давлат тизимидаги роли барча жабҳаларда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш зарур ва ҳаммага баробар бўлиши

учун шарт-шароитлар яратишга қаратилмоғи даркор. Марказий ва юкори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳоқимиятининг куйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказиб бориш ҳаётимизни эркинлаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ислом Каримов давлат назорат функцияларига нисбатан жамоатчилик назорати афзалроқ ва муҳимроқ эканига яна бир бор тўхталиб, бундай дейди: “биз давлатнинг назорат функцияларини канча кучайтирсак, назорат билан шугулланувчи давлат тузилмалари ва органларини канча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим”¹.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳияти, аҳамияти, ҳуқуқий асосларини имкон қадар чуқур ўрганиш ишларига жиддий эътибор қаратиляпти. Жойларда бу йўналишларда илмий-амалий семинарлар, халқаро конференциялар турли ўқув курслари ташкил этилаётир.

Хуллас, бугун Ўзбекистонда Президент И.А. Каримов томонидан илгари сурилган “Кучли давлатдан – кучли жамият сари» деган ғоят улкан, илмий-назарий жиҳатдан тўла асосланган бош концепция муваффақият билан амалга оширилмоқда. Оммавий ташкилотларнинг савий-ҳаракатлари қанчалик фаол таъсирчан бўлса, жамият аъзоларининг, фуқароларнинг ислохотлар жараёнидаги бевосита иштироки ҳам, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий онги, дунёқараши ҳам шунча ортади. Шу боисдан ҳам демократик йўлни танлаган ҳар қандай давлат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам келажақда мана шундай нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари фаолиятига таянади, умид боғлайди.

Барчамизга аёнки, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз И. А. Каримовнинг раҳбарлигида ислохотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошидан кечирган

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 28-29-бетлар.

тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари халқимизнинг турмуш ш тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Маълумки, режали, бир ёқлима иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига ўтиш моддий қийинчиликлар, ижтимоий муаммоларнинг бир қанча турларини юзга келтиради. Шу боис иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни, кексалар ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларни моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан олдиндан таъсирли чоралар кўришни тақозо этади. Кам таъминланган оилаларга, ёлғиз оналарга, кекса қарияларга, ногиронларга турли хилдаги моддий имтиёзлар жорий этилиб, улар ҳақида доимий ғамхўрлик қилинмоқда. Айниқса, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки энг қийин босқичларида аҳолининг барча қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида катор чоратadbирлар амалга оширилди.

Биргина 2006 ва 2007 йилларнинг ўзида республикамиз аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларни ижтимоий томондан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида Президентимиз томонидан бир нечта фармонлар қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан уй-жой сотиб олиш, мебеллар, узоқ муддатларга фойдаланиш учун мўлжалланган истеъмол кредитларини олиш, микро-молиялаш, микрокредитлар ташкилотлари тўғрисида, Ипотека ҳамда Ҳомийлик тўғрисидаги бир нечта қонунлар қабул қилинди¹.

Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя этиш бутунги кунда ҳам ўзининг долзарблилигини йўқотгани йўқ. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида баъзиларнинг ўта бойиб кетишига, баъзиларнинг эса ўта қашшоқлашиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий устувор

¹ “2006 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 2006 йил 13 октябр; “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи. 2007 йил 19 май; “Ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи. 2007 йил 3 май; “Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи. 2006 йил 5 октябр.

Йўшлиши сифатида инсон омили ва мезони яна бир бор қайд этилди. Шунинг билан бир қаторда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми – маънавий ва маърифат соҳасида шахсни мунтазам камол топтириш ва фозил инсонларни тарбиялаш борасида узлуксиз иш олиб бориш белгиланди.

“Комил инсон ғояси – ҳам миллий, ҳам умуминсоний аҳамиятга эга бўлган инсониятга хос энг юксак маънавий ва жисмоний усталикни мужассам этган, уни ҳамиша яхшиликка ундайдиган олжаноб ғоядир. Бу гоя нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун халқни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавий ва маърифат борасида тенгсиз ютуқлар сари илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, етук авлодларни вояга етказиш ҳақида кайиурмаган миллатнинг, халқнинг келажаги йўқ. Маънавийтли, ахлоқ-одобли, маърифатли инсон ғояси азалдан халқимизнинг орзуси, маданиятининг бир қисми бўлиб келган.

У ислом фалсафасидан озикланиб, буюк бобокалонларимиз асарлари, умуминсоний қадриятлари билан янада кенгроқ мазмун касб этган”¹.

Эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтаришга катта эътибор берилмоқда.

“Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда”².

Халқро майдонда мафкуравий, ғоявий ва инфорацион курашлар кучайиб бораётган мураккаб ва тахликали жараёнда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида олиб бориш лозим. Мамлакатимизда соғлом авлод ҳаракатининг кенг тус олгани, “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор мақсадни

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ – 451 қарори. 2006 йил 25 август.

амалга ошириш йўлидаги муҳим кадамдир. Бунинг маъноси шуки, йўналиш Қуролли Кучларимизни замон талаблари асосида ислоҳ қилишни, шу орқали миллий хавфсизлик тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади ва бу жараён биринчи устувор йўналиш мустақилликни мустаҳкамлаш масаласи билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан яхши таъминланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жихатидан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш – Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларидан биридир.

Шунинг учун тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида Қуролли Кучларимизни замонавий талаблар асосида ислоҳ этиш миллий армиямизни Ватан ва халқимиз манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган қудратли кучга айлантириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимиз ўзларининг нутқ, маъруза ва чиқишларида Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилишнинг мазмун-моҳиятини, миллий армиямизнинг ўзига хос таркибий тузилиши – модели, унинг стратегик ва тактик вазифалари ҳақида бугунги мураккаб дунёдаги, минтақамиздан келиб чиққан ҳолда, Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш жараёнида қилинаётган ва бундан кейин амалга ошириладиган вазифаларнинг айрим жиҳатларини кўрсатиб ўтди. Бу соҳада бундан кейин амалга ошириладиган ишларни ҳам белгилар экан, айниқса шартнома асосида ҳарбий хизматни ташкил этиш билан боғлиқ ишларни янада ривожлантиришга эътиборни қаратди.

Барча устувор вазифалар, жумладан, Ўзбекистон Қуролли Кучларини замон талаблари асосида ислоҳ қилиш – давр талаби, бугунги зарурият. Шундай экан, бу вазифани ҳам амалга ошириш, аввало ўзимизга, олижаноб мақсад-муддаоларимиз сари қатъият билан боришимизга, ташаббус ва тадбиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдидаги фарзандлик бурчимизни нечоғлик масъулият билан адо этишимизга боғлиқдир.

Шу ўринда Президентимиз И. А. Каримовнинг ушбу фикрини келтириб ўтиш жуда ўринли: “Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятни авваламбор ўзимиз учун, униб-ўсиб келаётган, бугун бошлаган ишларимизни эртага давом эттиришга қодир бўлган болаларимиз учун қурмоқдамиз”¹.

¹ Ислом Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 50-бет.

Давлатимиз Олий Мажлисининг ҳар бир сессияси муҳим воқеа сифатида ўзига хос ўрин тутди. Олий Мажлисимиз томонидан ўтказилган саккизинчи, тўққизинчи сессияларда қўйилган вазифаларни бажариш давомчиси сифатида ўнинчи сессия ўзининг алоҳида мазмун ва моҳиятига эгадир.

2002 йил 12-13 декабрь кунлари бўлиб ўтган Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз аҳамияти ва моҳияти билан Парламентни бутунлай юқори поғонага кўтарди. У жаҳондаги энг кучли даражада ривожланган, тараққий этган мамлакатлар парламентаризми билан тенглаштира оладиган Конституциявий Қонунларнинг қабул қилиниши билан тўлиқ ажралиб туради.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ВУЖУДГА КЕЛИШИНING ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, республикада демократик тамойилларни шакллантириш, бозор муносабатларига ўтиш, ҳаётнинг барча соҳаларида қонуни устуворлигини таъминлаш, ҳокимиятнинг бўлиниши (ижроия, қонунчилик, суд) каби асосий принциплардан иборат бўлган янги давлатчиликнинг қонунчилик базасини вужудга келтиришни амалга ошириб келмоқда. 1994 йил 25 декабрда Ўзбекистон тарихида биринчи марта кўппартиявийлик асосида шакланган парламент – Олий Мажлиснинг таркиб топиши ана шу йўлдаги асосий қадамлардан бири бўлди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Парламенти бир палатали бўлиб, 250 нафар депутатдан иборат эди. 2002 йилнинг 27 январида умумхалқ референдуми ўтказилиши ва икки палатали Парламент тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниши мамлакатимизда парламентаризмнинг ривожланишида янги босқич бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг VIII сессиясида (2002 йил 4-5 апрель) қабул қилинган “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг ҳаёт жабҳаларида қўлланиши ўзининг ифодасини топа олганлиги, халқимиз томонидан қўллаб-қувватланганлиги, Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беришда асос бўлганлиги Парламентимизнинг жаҳон Парламентлари сари қадам ташлаётганлигининг ҳуқуқий асосларини яратди. Шу маънода Олий Мажлисимиз ўнинчи сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунлар муҳим аҳамият касб этади.¹

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси. 2002 йил декабрь, 12-сон. 213-модда; “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ахборотномаси. 2002 йил декабрь, 12-сон. 215-модда.

Олий ҳокимият органларида халқ оммасининг хоҳиш-иродасини янада кенгроқ таъминлаш, ҳуқуқий демократик жамият қуришда улкан аҳамиятга эга. Ҳақиқатдан ҳам, бу Конституциявий Қонунлар жаҳон парламентаризми тизими тажрибаси инобатга олинган, Ўзбекистон халқининг буюк қадриятлари ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқилган. Улар турли сиёсий кучлар ва ҳудудларнинг вакиллари бўлган депутатларнинг, Қонун ишлаб чиқарувчиларнинг давлат ва жамият масалаларини ҳал қилишларида уларнинг ролини кучайтириш ҳамда халқ оммаси ўз вакиллари орқали давлатни бошқаришдаги ролини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий Қонун 38 та моддадан иборат бўлиб, унга биноан Қонунчилик палатаси Олий Мажлисининг куйи палатаси ҳисобланиб, профессионал ва доимий асосда фаолият кўрсатувчи кўп партиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлган палатадир.

Бу Конституциявий Қонун Қонунчилик палатасининг ҳуқуқий статусини белгилаш, унинг иш фаолиятини ташкил этиш, айниқса Қонунчилик палатасининг Сенат ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига доир муносабатларни тартибга солади.

Қонунчилик палатасининг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун, сайлов ўтказиш тартиби эса “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”-ги Қонун¹ ва бошқа қонунларга асосан белгиланади.

Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат аъзоларининг ҳам ваколат муддатлари беш йил қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг бу Конституциявий Қонунларига биноан ҳар иккала палата ўзларининг 21 пунктдан иборат бўлган ваколатларини биргаликда ҳамда ҳар бирининг ўзига хос бўлган мутлақ ваколатлари асосида алоҳида мустақил фаолиятни амалга оширади.

Бу ваколатлардан ташқари, Ўзбекистон давлати таркибига ўз хоҳишлари бўйича янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ёки уларнинг давлатимиз таркибидан чиқиб кетиши масалаларини, бож, валюта, кредит, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий этиш,

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”. (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2003 йил, сентябрь-октябрь, 9-10-сон. 132-модда.

лашган ҳудуди билан боғлиқ масалаларни, чегараларни ўзгартириш, мамлакатимиз миллий-ҳудудий муносабатларини тартибга солиш, Ўзбекистон Давлат бюджетини қабул қилиш, давлат мукофотлари ва унвонлар таъсис қилиш билан боғлиқ қонунлар ва қарорларни қабул қилишда улар доимо биргаликдаги ваколатларга эгадирлар.

Бу ваколатлар доирасига Ўзбекистон Республикасида Марказий сайлов комиссиясини тузиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш, мамлакатимиз Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига хужум ёки тажовуз қилинганда сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ҳамда мамлакатимиз Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириш ҳуқуқларига эга.

Ҳар иккала палатанинг ўзига хос бўлган мутлақ ваколатлари ҳам мавжуд. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатларига палатанинг Спикерини, унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раисларини ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш, яъни ташкилий ишларни амалга ошириш, палатанинг Регламентини ишлаб чиқиш,¹ ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ муносабатларни ҳал қилиш, сиёсий, ижтимоий - иқтисодий соҳалар ҳамда давлат ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан қарорларни қабул қилиш каби фаолиятлардан иборат.

Сенатнинг мутлақ ваколатлари худди Қонунчилик палатаси каби ўзининг ташкилий масалаларини, яъни Сенат раиси, унинг ўринбосари, кўмиталар раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Судини, Олий Судини, Олий Ҳўжалик Судини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитасининг раиси ва ўрин-

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2003 йил, сентябрь-октябрь. 9-10-сон. 136-модда.

босарларини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод қилиш, худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик хизматининг раисини тайинлаш ва уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги Президент фармонларини тасдиқлаш ваколатларини амалга оширади.

Сенат Президент тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларни ҳамда Марказий Банк бошқарувининг раисини тайинлайди ҳамда уларни лавозимидан озод этади.

Сенат Қонунчилик палатасидан бошқачароқ (балки алоҳида ҳуқуқи деб эътироф этиш ҳам мумкин) ваколатга – Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига ҳам эга.¹

Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисининг ҳамда республикаимиз Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитади ҳамда Регламенти², палатанинг ички тартиб-қоидалари, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ бўлган Сенат Қарорларини қабул қилиш ваколатларига эга.

Булардан ташқари, барча мансабдор шахсларнинг Президент тақдимига биноан Сенат томонидан сайлаш ёки тайинлаш, уларни лавозимларидан озод қилиш тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

Ҳар иккала палатанинг ҳам мутлақ ҳуқуқларига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Сенат ёки Қонунчилик палатасининг аъзоларини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш ваколатлари кўрсатилган.

Ҳар иккала палатанинг алоҳида-алоҳида ваколатлари, яъни мутлақ ваколатлари ҳамда биргаликдаги ваколатлари қатъий

¹ “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори. 2005 йил 2 декабрь // Халқ сўзи. 2005 йил 3 декабрь.

² “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2003 йил, сентябрь-октябрь 9-10-сон. 137-модда.

белгиланган бўлса ҳам, аммо палаталар лозим топган ҳолда яна умумий ваколат асосида тўпланиб, биргаликда фуқаролар ҳамда жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тегишли масалаларни ҳал қилиш ваколатларига эгадирлар.

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари иккала Конституциявий Қонуларнинг ҳам 11-моддасида қайси ҳолатларда ўтказилиши аниқ кўрсатилиб, унга асосан қўшимча мажлислар Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари юзасидан ҳамда хорижий мамлакатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ва палаталарнинг қарорлари асосида ва лозим бўлган ҳолатларда ўтказилади.

Қўшма мажлисларни ўтказётган пайтда Қонунчилик палатасининг Спикери ва Сенат раиси навбатма-навбат раислик қилади, мажлис эса очиқ ва ошкора асосда ўтказилиб, иккала палата биргаликда қўшма қарор қабул қилади. Бунга эса овоз бериш, қоида тариқасида алоҳида-алоҳида ўтказилади.

Қонунчилик палатасининг ўзига хос хусусиятларидан бири – Қонунчилик палатаси таркибида депутатлар бирлашмаларининг мавжудлигидир. Бундай бирлашмаларни Сенат таркибида тузишга йўл кўйилмайди. Депутатлар бирлашмалари Қонунчилик палатасида уларнинг сиёсий, профессионал ва бошқа ихтиёрий асосларда бирлашиши натижасида вужудга келадиган фракциялар ва депутатлар гуруҳидан иборат ҳолда тузиладилар.

Фракциялар ўз сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан шу партиянинг Қонунчилик палатасида ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузиш ваколатларига эгадирлар.

Қонунчилик палатаси таркибидаги депутатлар ихтиёрий асосда фракциялар ёки депутатлар гуруҳи таркибига кириш, унга умуман кирмаслик ҳуқуқларига ҳамда ҳар бир депутат фракциянинг аъзоси, ёки депутат гуруҳининг аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга бўлади. Аммо бир депутатнинг ҳам фракция аъзоси, ҳам депутат гуруҳининг аъзоси бўлишига йўл кўйилмайди. Бу фракциялар ва депутатлар гуруҳининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиш тартиби ички нормалар, яъни Қонунчилик палатасининг Регламенти билан тартибга солинади.

Қонунчилик палатасининг камида тўққизта депутати асосида

бирлашма тузилиб, рўйхатдан ўтказилади ва палатанинг қарори асосида унга фаолият кўрсатиш учун ваколат берилади.

Фракция ва депутатлар гуруҳининг ваколатлари асосан бу палата мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазалари билан қатнашади, кафолатланган тарзда сўз олиш ҳукукига эга бўлади.

Депутатлар бирлашмалари аъзолари палата мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари тасарруфига киритилган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтани назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этиши, муҳокама қилинаётган қарор ёки қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклифларини киритиши, ҳукумат аъзолари фаолияти масалалари юзасидан эшиттириш ва барча ташкилот, корхона ва муассасалардан фракция ёки депутатлар гуруҳи фаолияти учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиш ҳамда муҳокама қилинаётган масалалар бўйича фракция ва депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари аъзолари ўртасида тарқатиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Депутатлар бирлашмаларининг фаолияти тугатилиши куйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

– ўз фракциясининг ёки депутатлар гуруҳининг ташаббуси асосида;

– Қонунчилик палатасининг ваколати муддати тугаши билан;

– депутатлар сони тўққизтадан камайиб кетганлиги асосида ҳамда фракцияларнинг тарқатилиши, ўз сиёсий партиясининг фаолияти тугаганлиги ҳолда.

Қонунчилик палатаси томонидан қонунлар лойиҳаси бир неча ўқишда кўриб чиқилади, ҳатто қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилгандан кейин, Спикер уни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ваколатли бўлган, яъни қайси кўмитага тааллуқли бўлса, ушбу кўмита томонидан қонун лойиҳасини кўриб чиқиб, натижаси тўғрисида лойиҳани Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш ёки уни рад этиш, ёки лойиҳани киритган органга қайтариш тўғрисида Қонунчилик палатаси Кенгаши олдига масалани кўяди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши киритилган қонун лойиҳасини “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Норматив-ҳукукий ҳуж-

жатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳамди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 21 августда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонун ва Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисидаги Қонунларига мувофиқ бўлишини текшириб, агар уларга номувофиқ бўлса, унда лойиҳани Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган ҳуқуқ субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонунчилик палатаси қонунни муҳокамадан бир неча маргалаб ўтказиб, агар уни кўпчилик овоз билан қабул қилса, ўн кун ичида Сенатга юборилади.

Сенат томонидан эътирозлар бўлса, у яна Қонунчилик палатасига қайтарилиб, Сенат томонидан кўрсатилган камчиликлар устида ишланиб, уни яна Сенатга юборилади, агар Сенат томонидан Қонун яна қайтарилган тақдирда, Қонунчилик палатаси қонунни кўриб чиқиб, депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан Қонунни яна маъқулласа, Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ва тўғридан-тўғри ўз палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Хўш, икки палатали Парламентнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда ифодаланиши мумкин ёки бир палатали Парламентдан қандай афзалликлари билан фарқ қилади.

Халқимиз Парламентнинг икки палатали Парламентдан иборат бўлишини катта қувонч ва миллий фахр билан кутиб олиб, эн юқори даражада ривожланган жаҳон давлатлари Парламентаризмига тенглаштирилганидан беҳад хурсанд эканлигини, профессионал парламентнинг жамиятимиздаги мавжуд барча сиёсий-иқтисомий қарашларни ўзида тўлиқ акс эттиришидан мамнун.

Профессионал Парламент – қонунларни ишлаб чиқишни фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан тўғридан-тўғри боғлаганлиги, яъни қонунларни ишлаб чиқиш кабинетлардан ишлаб чиқаришга кўчганлиги, амалиёт ва замон талаби асосида қабул қилиш, уларни қўллаш механизмини таҳлил қилиб, самарасини аниқлаш, айниқса жаҳон тажрибасидан унумли фойдаланиш имкониятини яратади.

Профессионал Парламентда, айниқса, Қонунчилик палатасини (Қонунларни ишлаб чиқариш корхонаси десак ҳам мақсадга

мувофиқ бўлар эди) мутахассис депутатлар (кўпинча юристлар, сиёсатшунослар, иқтисодчилар), амалиётда пишиб етилган шахслар томонидан ишлаб чиқилиши лозим.

“Обрў”, “фахрий унвон”, “кафолатланган нафақахўр”, “юқори мансабга эришиш”ни орзу қилувчи депутатлардан батамом холис бўлган фан, адабиёт, санъат, интеллектуал ижодкорлик, соф меҳнатда тобланган маънавий юксак, фозил инсонлар ўз фаолиятларини амалга ошириши лозим.

Парламентнинг икки палатали тизимга ўтиши сиёсий партияларни, жамоат ташкилотларини ҳам сиёсий майдонга олиб чиқилишини таъминлаш ҳамда фикрлар турли-туманлигини ривожлантириш, шубҳасиз мамлакатимиз ҳаётини янада демократиялаштирадиган муносабатларни келтириб чиқаради.

- Икки палатали Парламентнинг барпо этилиши давлат тинчлиги ва барқарорлиги бир неча баробар ишончлироқ бўлишини таъминлайди, яъни қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар бир-биридан мустақил бўлган, автоном парламентларнинг ўзаро келишишини, яъни консенсусни тақозо этади;

- Бу палаталар томонидан кўккидан хиссиётга берилиб кетишга, ўйламасдан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий, ҳуқуқий заминига салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган қонунларни қабул қилишга йўл қўймаслик мақсадида бир-бирини назорат қилувчи ёки апелляция тариқасида ишни кўрувчи органлар фаолиятини амалга ошириш лозим;

- Иккала палатага сайланган депутатларнинг қонунларни қабул қилиш, муҳокамани ўтказиш принциплари, норматив ҳужжатлари билан халқнинг эрки, иродаси ҳамда манфаатини кўзлаган ҳолда одилона, мақсадга мувофиқ ишлаш, депутат этикаси, одоби ва ўзининг ҳуқуқий маданиятининг юксаклигидан, имкониятидан самарали фойдаланишини тақозо этади;

- Ҳақиқатдан ҳам, икки палатали Парламент қонунчилик ҳаётий жараёнида популизм, лоббизм ва конъюктурадан қутқарадиган кўшимча филътр вазифасини ўтайди;

- Бу Парламент қонунларни қабул қилишда турли хил тармоқлараро манфаатлар ёки қарашлардан ҳоли бўлиш имкониятига эга бўлишни, хатто кўпдан бери бир жамоа сифатида бирлашган манфаатдан ҳам холис бўлишни таъминлайди.

СУД - ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон халқи ХХІ асрга юксак инсоний кадриятларни эътироф этган ҳолда, барқарор тараққиётга эришиш, мустахкам тинчлик, адолатли, демократик, ҳуқуқий жамиятни қуриш ниятида жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда астойдил қадам ташламоқда. Мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш, модернизация қилиш йўлидаги ҳаракатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган марраларга етказишимиз лозим.

Комил ишонч билан таъкидлаш лозимки, Келажаги буюк бўлган Ўзбекистон халқи жаҳон ҳамжамиятининг барча маданийлашган ва маърифийлашган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Давлатимизда умумбашарий кадриятлар тўлиқ қарор топган ҳолда, инсон қадрли ҳуқуқлари ва эркинликлари эъзозланган, уларнинг амалга оширилиши кафолатланган, демократик институтларнинг кенг миқёсида ривожланиши таъминланган фуқаролик жамиятини қуриш вазифаларини, мақсадларини амалга ошириш йўлидан дадил бормоқда.

Бунга ёрқин далил – мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлардир. Бу ислохотларнинг асосий йўналишлари моҳияти, мазмуни ва вазифаларини белгилашда айниқса мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек: “Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа – бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятни қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат”.¹

Ислохотларнинг дастлабки босқичидаёқ “ислохот – ислохот

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир // Каримов И.А. Ўзбек халқи халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 179-бет.

учун эмас, ислохот – инсон учун” деган гоя мазкур жараённинг мазмун ва моҳиятини ташкил қилди. Ана шу ислохотлардан бири – ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлган суд - ҳуқуқ тизимини ислох қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида мамлакатимиз Президенти бу масалани яна бир бор таъкидлаб, унинг ниҳоятда долзарб ва зарур эканлиги ҳақида тўхталиб шундай деди: “Биз ҳокимиятнинг учинчи тармоғи – суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берамиз”¹.

Суд ҳокимияти – мустақил ҳокимиятдир. Қонунга қатъий риоя қилиш ва унинг субъектлари томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш – суд ҳокимиятининг олий бурчидир.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳақида дастлабки фикр ва мулоҳаза республика Президенти И.А.Каримов томонидан Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги (2000 йил 22 январь) маърузасида ҳаётимизни янгилаш ва ислох қилиш йўлида давлат ва жамият қурилишининг энг асосий мақсад ва вазифаларини аниқлар экан, суд-ҳуқуқ соҳасида тўхталиб, шундай деган эди: “Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунлигини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислох этиш керак”²,

Мамлакатимизнинг 17 йиллик ривожланиш даври тажрибаси истиқлол йиллари барча соҳаларнинг Конституциявий янгиланишини, айниқса суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, унинг қонуний негизини янада мустаҳкамлаш, суд ҳокимияти мустақиллигига тўлиқ эришиш ва барча жараёнларини демократлаштириш ҳамда маърифатлашган, ҳуқуқий давлатни қуриш ва фуқаролик жамиятига ўтиш каби вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Инсон ва фуқароларнинг маънавийлашган, маърифийлашган янгича ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тафаккурга ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлишлари тақозо этилмоқда.

Суд-ҳуқуқ ислохоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик ҳуқуқий жамияти умумий шаклланиш жараёнининг зарур таркибий қисмидир. Ўзбекистонда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини вужудга келтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир.

¹ Ўша асар. 184-бет.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – провард мақсадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000.344-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ғоялари ва бевосита ташаббуси асосида ҳамда раҳбарлигида босқичма-босқич амалга оширилаётган, жамият ва давлат ҳаётининг деярли барча жабҳаларини камраб олган ислохотлар ва либераллаштириш жараёни мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини, шунингдек, мустақил бўлган суд-ҳуқуқ тизимининг тараққиёт йўлини ҳам белгилаб берди.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёни – суд ҳокимиятининг тўлиқ ва ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, унинг мавқеи ва нуфузини кескин юқори даражага кўтариш, шунингдек, асосий вазифаси фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашдан иборат бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимни либераллаштириш масалаларини ҳал қилишдан иборат.

Хўш, ҳуқуқий ислохотлар умуман қачон бошланди, деган савол туғилади. Конституциявий ҳуқуқий ислохотлари, асосан 1990 йил 20 июндан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11 сессиясида қабул қилинган “Мустақиллик Декларацияси”дан бошланди, десак муболаға бўлмайди.

Унда ўзбек халқининг давлат қурилиши тарихи, тажрибаси, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи асосида давлат мустақиллиги эълон қилинди.

Декларацияда давлат суверенитетининг асосий атрибутлари бирма - бир баён этилди.

Мустақилликнинг асосий ва энг муҳим ҳуқуқий ҳужжати – “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида”ги Олий Кенгаш Баёнотидир. Бу ҳужжат 1991 йил 31 августда қабул қилинди. Баёнотда таъкидланишича, бундан буён Ўзбекистон давлати “Ўзбекистон Республикаси” деб аталиб, 1 сентябрь “Мустақиллик куни” умуммиллий байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинди.

Айниқса, мустақилликнинг ҳуқуқий асосини белгиловчи Конституциявий ҳужжат – “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуни бўлиб, барча тарихий ҳужжатлар орасида энг асосийсидир.

Мустақиллик йилларида давлатимиз қонунчилигининг жадал суръатлар билан ривожланаётганлигини эътироф этган ҳолда, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилидан келиб чиқиб, суд ҳокимиятининг одил судчилик лозим даражада амалга оширувчи ва ижтимоий адолатни ўрнатувчи мустақил ҳокимият эканлигини эътироф этиб, суд-ҳуқуқ ислохотлари муаммоларида баъзи масалаларни ёритиш мақсадида

мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 мартда БМТ нинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида, яъни халқаро ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш имкониятларига эга бўлиши, унинг ташқи сиёсати, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, давлатларнинг халқаро ишларга аралашмаслик принциплари ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган қоидалар ва нормаларидан келиб чиқиши эътироф этилди.

Айниқса, Конституциявий ҳуқуқий ислохотларнинг юридик базаси ва манбаи – 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидир. Конституциямизнинг 106-моддасида таъкидланишича, “Суд ҳокимияти – қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари билан тенг мустақил, кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришнинг муҳим омилидир”.¹

Суд-ҳуқуқ ислохоти навбатдаги босқичининг вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида аниқ ифодалаб берди. “Суд ислохотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш – ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизда суднинг демократик институт тариқасида аҳамияти жиддий оширилиши зарур.

Суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Суди, Олий Суд ва Олий ҳўжалик судлари томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда Республикамизнинг ягона суд тизимини ташкил этади.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ тартиботини муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг асосий мазмунига айланмоғи керак. Суд жазоловчи

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган). Тошкент: Ўзбекистон, 2003. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим”¹.

Дарҳақиқат, Суд ҳокимиятининг ташкил этилиши ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатларини, ваколатларини белгиловчи бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши жамиятни янада демократлаштиришга, айниқса суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга олиб келмоқда.

Юқорида қайд қилинганидек, суд ҳокимиятининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи Асосий Қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Унинг 106-моддасидан 117-моддасигача бўлган нормалари ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари”, яъни Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Жиноят Кодекси, жиноят процессуал, Хўжалик процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекслар ва бошқа қонун ҳужжатлари киради.

Суд ҳокимиятининг умумий юрисдикция судлари, шунингдек Республикамиз Олий суди, Олий хўжалик судлари дастлаб Республика Олий Мажлиси томонидан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Суди ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Суди тўғрисида”ги 1993 йил 6 майда қабул қилинган дастлабки Қонунлар билан ўз фаолиятларини амалга оширади.

Лекин бу қонунлар давлатимиз ривожланишининг илк босқичлари даврида қабул қилинган бўлиб, суд-ҳуқуқ ислохотларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган қонунчиликка киритилган ўзгаришларни тўлиқ қамрай олмаслиги, айниқса, айбсизлик презумпцияси тортишув жараёни, ҳимоя институтининг вужудга келганлиги ҳамда кучайиши, 1995 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси нормалари ҳамда адвокатлар ҳуқуқий статусининг янада юқорига кўтарилганлиги, “Адвокатура тўғрисида”, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги, “Фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонунларнинг ва “Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада

¹ “Адолат – қонун устуворлигида”. Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иккинчи чақирик олтинчи сессиясидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2001 йил. 30 август.

ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонининг қабул қилиниши ва бошқа қонунларга киритилган ўзгартиришлар ва кўшимчалар давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимини қайта қуришни тақозо этиб, суд-ҳуқуқ тизими тўғрисидаги янги қонунларни қабул қилишни кун тартибига қўйди ва бунга асосан Олий Мажлис Кенгаши томонидан 1999 йилнинг 15 июнида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия тузилди. Унга жавобан, 2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” (янги таҳрири)даги¹ Қонуни қабул қилиниб, суд - ҳуқуқ ислоҳотларининг янги босқичини, яъни суд ваколатларининг кенгайтирилиши, уларнинг давлат ҳокимиятининг тўла ҳуқуқли тармоғи сифатида эътироф этилиши ҳамда инсон ҳуқуқларининг ҳуқуқий негизларини самарали ҳимоя қилиш, уни кафолатлаш имкониятларини тўлиқ таъминлаш учун асос яратиб берди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотига Республикамиз Президенти И.А. Каримов томонидан эътибор қаратилиб, Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни янги босқичга кўтариш амалдаги устувор йўналишлардан бири – суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчиллик билан давом эттириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Суд-ҳуқуқ реформаси олтинчи устувор йўналиш эканлигини эътироф этиб, жамиятда адолат қарор топиши кўп жиҳатдан судлар фаолиятига боғлиқлигини ҳукм ва қарорлар чиқариш ҳуқуқига эга ягона муассаса бўлган суднинг ҳар томонлама мустақил ва одиллиги жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ўрнатиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек ўта муҳим вазифани бажаришда асосий омил бўлиши лозимлигини яна бир бор таъкидлади.

Ҳақиқатдан ҳам мамлакатимизда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Адолатли ва фаровон фуқаролик жамияти қуришнинг айнан шу соҳадаги ижобий ўзгаришларга боғлиқлигини Президентимиз кўп бора кўрсатиб берди. Хусусан, юқорида айтиб ўтганимиздек, Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида ҳам давлатимиз раҳбари жамиятимизни демократлаштириш ҳамда

¹ “Судлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 25-сон. Тошкент: Адолат, 2004.

янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни янги босқичга кўтариш ҳақида гапириб, бу йўлда устувор йўналишлардан бири суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш чора-гадбирларини белгилаб, қуйидагиларни таъкидлайди:

“Судлар тўғрисида, прокуратура тўғрисида, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида, судларни жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштириш муносабати билан қатор кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши одил судлов сифатини ошириш ва ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришни таъминламоқда”¹.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун ва моҳияти нималарга қаратилган?

Ўтказилаётган ислохотлардан қандай натижалар кутиш мумкин?

Бизнингча, бундай ислохотларнинг мақсади, мазмуни ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, жамият ижтимоий ҳаётида адолатнинг барқарор бўлишини таъминлаш; кишиларда қонун кучи ва ролига бўлган ишончини орттириш; шахс жамият ва давлат муносабатларида изчиллик ҳамда ўзаро мутаносибликни таъминлаш.

Иккинчидан, суд ҳокимиятини том маънода мустақил ҳокимият сифатида фаолият юритишини, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият тармоқлари билан тенг тарзда салмоқчилигини таъминлаш, судларнинг кишилик жамиятида ролини ва обрўйини кўтариш.

Учинчидан, судларни жазо берувчи органлар эмас, балки инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи органлар сифатида қарашни шакллантириш, уларни фуқаролар ҳуқуқини давлат томонидан ҳимоя қилувчи асосий органга айлантириш.

Тўртинчидан, қонун устуворлигини таъминлаш, уларни ижро этиш маданиятини юксалтириш, қонун бузилиши ҳолатларига муросасиз муносабатни вужудга келтириш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янги поғонага кўтариш.

Суд-ҳуқуқ соҳасида кейинги йилларда изчил равишда ислохотлар олиб борилмоқда. Бу ислохотларнинг мазмунига қараб бир неча йўналишларга бўлиш мумкин.

¹ Ислом Каримов. Биз танлаган йўл – демократик таракқиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. 13-бет.



Дарҳақиқат, қонун устуворлигини таъминлашнинг мезонларидан бири – суднинг ҳақиқий мустақиллигига эришишдан иборатдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, қаерда суд мустақил бўлмас экан, ўша ерда қонун талаблари адолат бузилиши муқаррар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг пировард натижаси шундай ҳолатларга чек қўйилишига олиб келиши лозим.

Бу ислохотлар нимада кўринмокда? Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан судлар ихтисослашувини жорий этилиши, яъни умумий юрисдикция судларининг фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши, суд тизимини ислох қилишдаги жиддий қадам бўлди. Бу, албатта, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатланишини янада кучайтирди ва судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини тўлароқ таъминланишига имконият яратди. Бир сўз билан айтганда судларнинг ихтисослашуви ҳозирданок ўз самарасини бера бошлади.

Мамлакатимиз қонунчилиги тарихида илк маротаба умумий

юрисдикция судларида ҳам суд қарорлари ва ҳукмларининг қонунийлигини кўриб чиқувчи энг муҳим институтлардан бири ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқилиши институти жорий этилди.

Бундай институт халқаро амалиётда синовдан ўтган ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқилишида юқори суд инстанциясига далилларни бевосита текшириб чиқиш ва ишнинг моҳияти бўйича қарор қабул қилиш имконини берди.

Президентимиз томонидан судьяларнинг тайинланиши ва лавозимдан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқувчи комиссия тузилиши судларда муносиб кадрлар ишлаши сари қўйилган жиддий кадам бўлди. Бу комиссия кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига айлантирилди. Судьялик лавозимига номзодларни танлаш тамойили тубдан ислоҳ қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга воқелик бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 24 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида”ги Фармони бу йўлда қўйилган асосий кадамлардан бири бўлди.

Мазкур Фармонга биноан судьяга қўйиладиган талаблар, номзодларни тавсия этиш тартиби, яъни ҳалол, виждонли, билимли, фақат қонунга бўйсунувчи ҳақиқий судьяларни танлаб олиш имконияти яратилди. Бу ҳуқуқий асос суд тизимига нопок, порохўр, тасодифий кимсаларнинг кириб қолишига чек қўйди.

Судьяларнинг мустақиллигига эришиш, судларнинг фаолиятини ташкилий, моддий-техник ва маблағ билан таъминлаш масалаларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги махсус ваколатли орган – суд қарорларининг ижро этилиши, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаменти ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори суд

қарорларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришда асосий роль ўйнайди.

Айниқса, суд-ҳуқуқ ислоҳотига бағишланган Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги давлатимиз раҳбарининг маърузаси тўла суд-ҳуқуқ масалалари, соҳасида ўтказилиши лозим бўлган ислоҳотларга бағишланган. Унда суд-ҳуқуқ ислоҳотларида жазо чораларини либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу сессияда Парламент Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида тақдим қилинган “Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Лойиҳа Олий Мажлис депутатлари томонидан катта қизиқиш билан муҳокама этилиб, 2001 йил 29 августда қабул қилинди.

Айнан, ушбу қонун ижтимоий ҳавфи учун катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини қўллаш иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга жазо тайинлашда иқтисодий таъсир чораларидан фойдаланиш имкониятини яратди.

Юқоридагилар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳоти борасида охириги йилларда амалга оширилган ишларнинг бир қисми холос.

Президентимиз Ислон Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи ва бошқа барча сессияларидаги маърузаларида бундан кейинги ишларни давом эттириш, айниқса юридик - ҳуқуқий меъёрларни янада эркинлаштириш, уларни янгилаш, суд органлари фаолияти билан боғлиқ ташкилий ишларни такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилиниши кераклигига алоҳида эътиборни қаратди.

Шуни таъкидлаш керакки, суд - ҳуқуқ ислоҳотлари изчиллик билан давом этадиган жараён бўлиб, бу соҳада доимий равишда ислоҳотлар ўтказиб борилиши тақозо этилади.

Инсон – нақадар буюк ва азиз, мукамал ва сирли мавжудот. Шу маънода табиийки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган, янгилиниш ва ўзгариш жараёнларининг пировард мақсади ҳам инсон, унинг эрки ва ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб етишиши, бахт-саодатга эришуви учун муносиб турмуш ва ҳаёт даражасини таъминлаб беришдан иборатдир. Ана шу инсон суд-ҳуқуқ ислоҳотининг субъектидир.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мамлакатимиз Асосий Қонунига киритилган тузатиш ва қўшимчалар Конституциямизнинг мазмун ва моҳиятини, мақсад ва вазифаларига дахлдор бўлмаган ҳолда, асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тегишли бўлиб, Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиш бўлимига, яъни Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига, Вазирлар маҳкамасининг ваколатларига, шунингдек, сайлов тизими асосларини белгилаб берувчи ҳуқуқий замин ва асосларга тааллуқлидир.

Шу билан бирга “Конституциянинг Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимиятига тааллуқли бўлган 107, 110 ва 112 - моддаларига ҳам айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу ўзгартиришлар суд тизимини ихтисослаштириш ва такомиллантириш жараёнини кенгайтириш, судларнинг вазифаларини янада аниқроқ белгилаб, уларнинг амалда мустақиллигини ишончли қафолатлашни таъминлашни ўзида акс эттиради”¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг принципиал моҳияти:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 11-моддасидан, яъни “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади” деган ваколатдан келиб чиқиб, улар ўртасидаги ваколатларни янада демократик бўлишига, янада мутаносиб равишда қайта тақсимланиши ни уларнинг мувозанатини таъминлаш, ҳар бирига Конституцияда белгилаб берилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳолда, бир-бирининг ваколатига аралашини истисно қилувчи ҳолатларни яратиб берадиган қафолат билан таъминланиш мустаҳкамланди.

2. Қонунчилик ҳокимиятининг роли, аҳамияти сезиларли даражада юқори обрўга эга бўлади. Олий Мажлиснинг ҳуқуқмағни шакллантириш, унинг фаолиятини назорат қилиш, айниқса Ўш Вазир номзодини тасдиқлашдаги роли ва ваколатлари кучайди. Айниқса “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократилантириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партия-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

ларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунининг Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланганлиги асосида Олий Мажлиснинг ҳукуматни шакллантириш, унинг фаолиятини назорат қилиш ва Бош Вазир номзодини тасдиқлашдаги роли ва ваколатлари янада кучайтирилди¹.

3. Республика Президенти ўз ваколатларининг анчагина қисмини, яъни давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалаларини Олий Мажлиснинг Сенатига ўтказиш амалга оширилмоқда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатининг “Вазирлар Маҳкамасининг Раиси” деган қисмини ўзидан соқит қилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасининг таҳрири принципиал даражада ўзгарди. Бу модданинг 2 -қисми олиб ташланди².

Мазкур масалани янада ойдинлаштириш мақсадида, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш бўйича Республика Президенти 2005 йил 10 мартда ПҚ - 24 сонли қарори билан тасдиқланган Концепцияни қабул қилди. Бу Концепцияда:

1. Ўлим жазосини жазо тизимидан чиқариш ва уни умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосига айлантатириш.

2. Процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш.

3. Суд ва ҳуқуқни химоя қилувчилар, ҳуқуқни қўлловчи органлар масъулиятини янада ошириш.

4. Президент Фармонлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан ҳамда Солиқ қонунчилиги (2008 йил 1 январдан “Солиқ Кодекси” кучга кирди)дан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлар мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқий майдон ва имтиёزلарни вужудга келтириш ҳамда уларни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг

¹ “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Конституциясивий судининг ахборотномаси. 2007 йил, 15-сон. 17-22-бетлар.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008 йил 89-моддаси.

кафолатларини яратиш асосий вазифа сифатида олинади.

Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳоти республика фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиниши кафолатини яратиш билан бирга судларни жамиятда барқарорлаштиришга, барча низоларнинг тинч ва адолат асосида ҳал қилинишига бирон бир давлат органини ёки мансабдор шахснинг устун келишига ёки қандайдир имтиёзларга эга бўлишига йўл қўймаслигига қаратилган. Давлат бу масалаларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, фуқаролар эрки, иродаси ва манфаатини кўзлашдан келиб чиқмоқда.

Айниқса, бу кафолатларни яратишда 2005 йил суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришдаги энг самарали йил бўлиб, мамлакатларимизда инсон ва фуқаролар, манфаатларини, уларнинг шахсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамда сиёсий ҳуқуқларини дахлсизлигини таъминлаш, ҳимоялашни тўлиқ кафолатлашга қаратилган инсонпарвар сиёсатнинг изчиллигини амалга оширувчи йил бўлганлигини халқимиз тўлиқ эътироф этмоқда.

“Жинойт жазоларнинг либераллаштирилиши” муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунларнинг қабул қилиниши ва уларнинг мазмун, моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳамда жаҳондаги тараққийпарвар кучларнинг интилишларини ва 1979 йил Стокгольм конференцияси қарорларини (бу конференция бўлиб ўтгандан сўнг, бирданига 20 га яқин мамлакатлар ўлим жазосини бекор қилдилар) ҳамда БМТ нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси томонидан 2005 йил 21 апрелдаги “Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги резолюциясини эътироф этган ҳолда (бу резолюция – дунёдаги барча давлатлардан ўлим жазосини бекор қилиш, ҳеч бўлмаса, мораторий қўллаш вояга етмаганларга ва руҳий касалликка чалинган шахсларга қўлламасликни) тавсия этган.

Юқоридагиларни эътироф этган ҳолда Президентимиз томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони ниҳоятда ўз вақтида қабул қилинган, инсонпарвар, адолатли, ҳақиқий мустақилликни кафолатловчи суд-ҳуқуқ ислоҳотининг мантиқий давомидир.

Ўлим жазосини қўллаш азалдан мавжуд бўлган. Ҳатто қадимги римликлар “око за око, зуб за зуб” (она тилимизда бироз бошқачарак ҳолда амалда қўлланган, яъни “жонга – жон, қонга – қон”) принципини қўллаганлар.

Суд-хуқуқ ислоҳотларини амалга оширишда инсонпарвар бўлган мамлакатимиз ўзида энг буюк бўлган демократиянинг умуминсоний принципларига асосланиб, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият эканлигидан келиб чиққан ҳолда ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда ўз ваколатларини амалга оширмоқда. Биз бугун тўлиқ ишонч билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар ва норматив ҳужжатлар суд-хуқуқ ва парламент ислоҳотларининг ҳуқуқий базасини яратди.

Албатта, ҳаёт каби қонунлар ҳам ўзгаришни ва такомиллаштиришни тақозо этади. Ўз-ўзидан аёнки, Парламентимиз томонидан халқимизнинг эрки, иродаси ва манфаатини кўзлайдиган қонунлар қабул қилинса, чинакам мустақил бўлган судларимиз адолатли ҳукмлар, қарорлар ва ажримлар чиқарса, жамият ижтимоий ҳаётида адолат қарор топади, кишиларда қонун чиқарувчи ва ижро этиш органларига ҳамда суд ҳокимиятига бўлган ишонч тобора ортиб боради. Бу эса қонунлар кучига ва жамиятда тутган мавқеига ишончни янада мустаҳкамлайди.

Парламент ва суд-хуқуқ ислоҳотлари давом этмоқда. Уларни амалга оширишда баъзи ижобий натижаларни эътироф этиб, уни халқ оmmasига ёйишимиз лозим.

ХУЛОСА

Республикамиз мустақиллиги йилларида эришган ютуқларимизни эътиборга олиб, фуқаролик жамияти сари қадам қўяр эканмиз, энг аввало Парламентимиз ишини, унинг ваколатларини янада такомиллаштиришга ҳаракат қилишимиз лозим.

1. Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси асосида Парламент муҳокамасига киритилган ва умумхалқ муҳокамасидан тўлиқ ўтган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган “Давлат бошқарувини янгилаш, янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни мамлакатимиз тарихида сиёсий-институционал ва демократик бошқарув нуктаи назаридан янги демократик ҳуқуқий институтни вужудга келтирди. Бу институт демократиянинг тўлиқ тантанаси бўлиб, ҳокимиятлараро берилган ваколатларнинг бир-бирига аралашиб кетмаслигини таъминлайди ва “тийиб туриш” принципини тўлиқ амалга оширади. Бу Қонун давлатни бошқаришда инсон ва фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишида катта имкониятларни яратди.

2. “Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа – бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат”¹. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи бўлиб, Қонуни чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади”².

3. Ҳокимият тармоқлари орасида эса қонун чиқарувчи ҳокимият

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади. 11-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 179-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, 2000. 70-модданинг 1-қисми.

давлат ҳокимиятининг олий шаклидир, чунки у бошқа ҳокимият тармоқларининг ваколатларини ҳам қонун билан белгилайди. У ваколат берувчи субъектдир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятга бошқа тармоқларга караганда, айниқса, ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан устувор мақом берилади. Бу янгилик эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат палатаси тўғрисидаги Қонунларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эътирозлар билан Парламент муҳокамасига қайтарилган Қонунлар аввалги таҳрирда Олий Мажлис томонидан қабул қилиниши мумкин.

4. Парламентнинг икки палатали асосда тузилиши халқ вакиллари ўз сайловчилари олдидаги мажбуриятларини унутишдан сақлайди. Халқ ташвишини тўлиқроқ тушуниб етиш учун асос яратади. Депутатларнинг ҳам халқ ташвиши билан яшашини таъминлайди.

Қонунлар айрим партиялар, гуруҳлар ёки ижро этувчи органлар томонидан ўз манфаатларини кўзлаб қабул қилинишини олдини олади.

5. Иккала палата депутатларининг фикрлар хилма-хиллиги ривожланишига, кучли депутатлар корпусининг (айниқса тўлиқ демократия тарафдори бўлган депутатлар) етишиб чиқишига, профессион парламентаризм институтининг такомиллашишига катта ёрдам беради.

Кучли Парламент вужудга келиши ва жаҳон мамлакатларида ҳам ўз нуфузига эга бўлиши ёки улар томонидан эътироф этилишини таъминлайди.

6. Парламент томонидан қабул қилинаётган Қонунлар халқ умумиродасининг ифодаси бўлишини таъминлашни ҳар бир фуқаронинг ўзи шахсан ёки вакиллари орқали қабул қилишда иштирок этганини сезишини, унинг ҳуқуқий оқибатларини тўлиқ англаб етишини ва барча фуқароларимиз Қонун қоралаш ва ҳимоялашнинг ҳамма учун баб-баравар қўлланишини тушуниб етишини кафолатлашни вужудга келтиради.

7. Юқоридагилардан ташқари халқимизнинг сиёсий ва маънавий эҳтиёжини қондиришнинг демократик воситаси сифатида кўпроқ референдумлар ўтказишга ҳам эътиборни қаратиш лозим. Чунки референдумлар ўтказилганда умумхалқ томонидан берилган овозлар масаласини узул-кесил, қатъий ҳал қилади. Халқ иродаси билан қабул қилинган қарорлар ҳамма учун мажбурий тус олади,

бошқарувни халққа яқинлаштиради, халқ мустақил фикрини ифода этишни фаоллаштиради, барча сиёсий жараёнлар очик ва ошкорчилик принципларини ўзида акс эттиради.

8. Мамлакатимизнинг ўтган йиллар тараққиётига назар солсак, халқимиз, миллатимиз шаъни, ор-номуси, ғурур-ифтихори, маънавияти ва миллий кадриятлари қайта тикланди ва бу тикланиш даним этмоқда. Фуқароларимиз онги тафаккури, маданияти, мустақиллик фахри янада юқори кўтарилиб, эртанги кунга юксак маънавият асосида ишончи ортиб бормоқда.

Айниқса, 2008 йил “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ва бу йилнинг ўзида бир нечта қарорлар ва 1 та фармойиш ҳамда 2 та Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб аталиши барча инсонлар ва фуқароларимизнинг, меҳнат аҳлининг ижтимоий ҳимоя қилиниши кафолатини тўлиқ асосда яратиб берилаётганлиги далолатидир.

Парламентимизнинг икки палатали бўлиши, профессионал асосда Қонунчилик палатаси депутатлари – қонунлар ижодкорлари эканликлари тасдиқланиши, қабул қилинган қонунларнинг Сенаторлар томонидан ниҳоятда диққат-эътибор билан маъқулланиши мамлакатимиз ҳаётини янада юқори поғонага кўтармоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
9. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
11. Каримов И. А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
12. Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2004.
13. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
14. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. 14-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2006.
15. Каримов И. А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

II

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва кўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган). Тошкент: Ўзбекистон, 2008.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2003 йил, сентябрь-октябрь, 9-10-сон. 132-модда.

3. Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2002 йил, апрель-май, 4-5-сон. 60-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2002 йил, декабрь, 12-сон. 213-модда.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2002 йил, декабрь, 12-сон, 215-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2003 йил, сентябрь-октябрь. 9-10-сон, 136-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2003 йил, сентябрь-октябрь, 137-модда.

8. Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясида 2004 йил 27 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири қабул қилинди // Халқ сўзи. 2004 йил 28 август.

9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.

10. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.

11. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Ишонч. 2008 йил 6 декабрь.

12. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. 2007 йил. 15-сон, 17-22-бетлар.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил. 2-сон.

14. “Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2001. 9-10-сон, 166-модда.

15. “Ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи. 2007 йил 3 май.

16. “Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи. 2006 йил 5 октябрь.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995 йил, 9-сон.

18. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 25-сон. Тошкент: Адолат, 2004.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисидаги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил, 2-сон, 50-модда.

20. “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарини органилари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999 йил, 5-сон, 110-модда.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони// Халқ сўзи. 2005, 2 август.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қамоққа олиниш санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. 2005,9 август.

23. “2006 йил 1 ноябрдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 2006 йил 13 октябрь, ҳамда “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 2007 йил 19 май.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ёшлар йили Давлат дастури тўғрисида” // Халқ сўзи. 2008 йил 1 март.

25. “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 2008 йил 2 май.

26. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги Фармойиши//Халқ сўзи. 2001 йил 5 январ.

27. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори. Тошкент шаҳри, 2005 йил 2 декабрь // Халқ сўзи. 2005 йил 3 декабрь.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451 қарори // Халқ сўзи. 2006 йил 25 август.

III

1. Парламентаризм: Хорижий мамлакатлар тажрибаси. Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2002.

2. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2005.

3. Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий мактаб халқаро ФА Ўзбекистон бўлими. Тошкент: Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004.

4. Қудратхўжаев Ш. Ўзбекистонда профессионал парламентаризмнинг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. Тошкент, 2007.

5. Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. Икки палатали Парламент. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашр. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.

6. Эрназаров О. Рим ҳуқуқи. Ҳуқуқшунослик институтлари ва факультетлари талабалари учун. Дарслик. Наманган, 2005.

МУҲДАРИЖА

Сўзбони	1
Парламент тушунчаси ва унинг вужудга келиши тарихий асослари	8
Ўзбекистонда икки палатали парламент вужудга келишининг ҳуқуқий асослари.....	19
Суд - ҳуқуқ ислохотлари муаммолари	17
Хулоса	61
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	64

*Наманган Давлат университети
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.*

Муҳаррир: *М. Ф. Содиқова*
Мусаххих: *А. Шаронов*
Компьютерда саҳифаловчи: *И.И. Мусабоев*

Нашриёт рақами: з-81. Босишга рухсат этилди 16.07.2009 й.
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₀ Офсет босма. Офсет қоғози.
Ҳисоб-пашриёт т. 5,0 Шартли босма т. 4,07.
44-буюртма. 200 нусхада.
Келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти: 100170,
Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Босмаҳона манзили: ООО "ИРАК ҲО'ЛИ ПОЛИГРАФ"
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

ИЗОҲЛАР УЧУН

ИЗОҲЛАР УЧУН



Орўл Эрвазаров 1943 йилда Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани Жом қишлоғида туғилган. ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Қўплаб масъул лавозимларда, жумладан, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасида ҳуқуқий маслаҳатчи, Конституцион суд раиси ўринбосари бўлиб ишлаган.

Ҳозирги кунда Наманган давлат университети «Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси» кафедраси мудир, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент. Юздан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалар ҳамда «Рим фуқаролик ҳуқуқи» дарслигининг муаллифи.

ISBN 978-9943-09-828-2



9 789943 098282